Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
25 сон 22—28 июн, 2006 йил

УМРНИНГ ГЎЗАЛ ЛАҲЗАЛАРИ...

Айтишларича, инсон умрининг энг гўзал дамлари ёшликда эмас, балки, кексаликнинг фароғатли кунларида насиб этар экан. Ўриқзор маҳалласининг "Саҳоват" кўчасида чеҳрасидан нур ёғилиб, ўзидан ҳам, сўзларидан ҳам райҳон ифори тараладиган Насибахон ая Аҳмедова яшайди. Мана шундай фароғатга эришмоқ учун ёшликда қандай яшамоқ, нималарга кўпроқ аҳамият бермоқ керак? Бу табаррук онахон билан бўлган суҳбатимиз ана шулар ҳақида кечди.

- Келин бўлган хонадонимда олтита овсин эдик. Синглим ҳам қайниларимдан бирига турмушга чиққанди. Бизни билмаганлар олтита опа-сингиллар, деб ўйлашарди. Ҳанузгача аҳилмиз. Қайнсингил, қайниларимиз ҳам бизни ўз опаларидек кўришиб, хурмат қилишади. Мен математика фанидан, турмуш ўртоғим Орифхон ака эса кимё-биология фанидан дарс берардик.

Болаларимнинг отаси жуда ажойиб инсон эди. Биргаликдаги 43 йиллик ҳаётимизда жуда ширин яшадик. Бир-биримизга сира қаттиқ гапирмаганмиз. Мен у кишини, улар эса мени авайлар, кўнглимга қарарди. Кечқурун рўзғор юмушларидан бўшаганимиздан сўнг шахмат-шашка ўйнардик.

- Орифхон ота билан 43 йиллик ширин турмушнинг бир сири борми? Бундай бахтга эришмоқ учун нималарга аҳамият бермоқ керак?

- Бунинг сири бор эканми? Эр-хотин орасида ўзаро меҳр-оқибат, муомала одоби бўлса бас. Эр эшикдан кирганда аёл дарҳол дастурхон тузаб, чой дамлаб, овқатини чиройли қилиб олиб келиб қўйса олам гулистон. Мабодо эр кўчадан хафа бўлиб келган бўлса, "Олинг, дадаси! Толиққан кўринасиз, чойдан ичинг!"-деб турилса эркакнинг кўнгли кўтарилади. Меҳри товланади.

- Уч ўғил, икки қизингиз тарбиясида кўпроқ нималарга аҳамият бергансизлар?

- Уларга ҳеч қачон қаттиқ гапирмадик, меҳр бердик. Меҳр кўрмаган болалар худбин, золим ва тошбағир бўлиб ўсишади. Шуни билингки, ўғил болага отанинг тарбияси жуда муҳим бўлади. Қиз болалар эса кўпроқ онадан тарбия оладилар.

- Сиз энг қийин фандан дарс берган экансиз...

- Мен аввал Чиғатой дарвозадаги 111-мактабда иш бошладим. 1968 йилдан эса 157-мактабда пенсияга чиққунимча ишладим. Ўзим математика фанини жуда яхши кўрганим боис, болаларга ҳам буни сингдира олганман. Шогирдларим республикамизнинг жуда кўп жойларида ишлашади. Ҳатто, хориждан ҳам салом йўллаб туришади.

- Насиба опа, ҳозир кўп оилаларда қайнона-келин муаммоси боис ёш оилалар ажрашиб кетишаяпти. Сиз ҳам қайнонасиз. Ажралишнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

- Келин ҳам бировнинг жигарбанди. Келинни ҳеч қачон силтаб, қилган нотўғри иши учун изза қилиш керак эмас. То ўргангунча ўзига қўйиб бериш керакда. Ўзим эътибор қилдим. Келинлар хонадонга ўрганиб олгунларича: "Пиширган овқатим ҳақида нима дейишар экан? Ҳовлини супуришим уйдагиларга маъқулмикан?" деб кўзлари жавдираб туришади. Аста-секин ҳамма нарсани ўрганиб кетишади.

- Беш марта тўй қилибсиз? Тўйларни қандай ўтказгансиз?

- Тўйдан айланай, орзу ҳавасларнинг ушалишига не етсин? Аммо, меъёрни билмаслик ёмон. Баъзан серҳашам тўйлар ҳам фарзандга бахт бера олмайди. Орага совуқчилик тушишига сабаб бўлади.

- Ўтган умрингиз, фарзандларингиз, келинларингиздан розимисиз?

- Ўтган умрим ҳақида гапирсам вақт етмайди. Илоё, фарзандларимга ҳам отаси иккимиздек яшаш бахти насиб этсин! Сайфиддин, Камолиддин, Шамсиддин ўғилларим фахрим бўлса, келинларим Муҳаббатхон, Муаттархон, Мукамбархон қалбимнинг қувончларидир. Қизларим Зарофатхон билан Назокатхон эса ўзга уйларга учирма бўлишган. Ўн етти нафар набираларим, тўртта ширингина эвараларим бор. Энг кичик эварам Фазилатхонни айтинг! Худди қўғирчоққа ўхшайди. Шугинамнинг қошларига ўсма қўйишни яхши кўраман. Набира билан эвараларнинг фарзандларингиздан ҳам ширин бўлар экан.

Ҳалол меҳнат қилиб, қобил фарзандлар ўстириб, умрнинг энг асосий вазифасини бажардик. Етмиш бир ёшимнинг ҳар кунини ғанимат биламан. Кексалигим осойишта, мароқли, эъзозу ардоқда кечаётган экан, бу менга аввало тақдирнинг, қолаверса, фарзандларимнинг бебаҳо инъомидир. Ҳаммага ҳам ўзимдек, кексаликнинг гўзал лаҳзалари насиб этишини тилайман.

Насибахон аянинг гулу райҳонлар яшнаб ётган, ораста ва файзли хонадонини тарк этарканмиз, у кишининг тилакларига қўшилдик. Илоё, шундай фарахбахш бахт ҳаммамизга насиб этсин!

Басира САЙДАЛИЕВА

ЮРТНИНГ АЁЛЛАРИ ФОЗИЛА БЎЛСА...

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан жорий йилнинг 5 июн куни «Туркистон» саройида «Аёл — баркамол авлод мураббийси» кўрик-танловининг Республика босқичи тантанали тарзда ўтказилди.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси соврини учун ўтказилган "Аёл-баркамол авлод мураббийси" мавзуидаги кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад — мустақил Ўзбекистонимизга муносиб фарзандларни тарбиялаётган оналарни шарафлаш, уларнинг масъулиятли вазифаларни бажаришлари йўлида билим, кўникма ва малакаларини оширишга хизмат қилишдан иборат бўлди.

Кўрик-танловнинг 1-босқичи маҳаллалар ва кўп қаватли уйлардан ташкил топган маҳаллаларда яшовчи оналар ўртасида ўтказилиб, туман ғолиблари аниқланди. 2-босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида ташкил қилинди. Унда туман босқичи ғолиблари куч синашдилар.

Танловнинг жорий йилнинг 5 июнида "Туркистон" саройида бўлиб ўтган республика босқичида жойларда катта имтиҳонлар ва беллашувларда ғолиб деб топилган 14 нафар иқтидорли, оқила ва фозила оналар ғолиблик учун курашдилар.

Барча ҳудудлардан иштирок этган фаол аёлларнинг кенг дунёқарашга эга экани, юртимизда кечаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни чуқур таҳлил этиши, маънавий-маърифий соҳалардаги саволларга ҳозиржавоблик билан жавоб қайтариши, санъат ва адабиётнинг қайси бир турида ўз иқтидорини намойиш эта олиши барчани қувонтирди.

Маънавий муҳитни барқарорлаштириш, соғломлаштириш борасида кўрилган қатор чора-тадбирларга, амалий ишларга қарамай, бугун аёллар ўртасида ачинарли ҳолатлар, ечимини кутаётган муаммолар кўп.

Танлов иштирокчилари томонидан ёш қизларнинг чет элларда депортация қилинаётгани, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг юқори даражаларга кўтарилгани, гиёҳвандлик ва бедаво касалликларнинг авжланиб бораётгани, фарзандларимизнинг ва айниқса, аёлларимизнинг турли хил ёт оқимлар таъсирига тушиб йўлдан адашаётгани каби қатор долзарб муаммолар, жамиятнинг оғриқли нуқталари саҳна кўринишлари ва бошқа бадиий чиқишлар орқали ёритиб берилди.

Ҳакамлар ҳайъати учун танлов иштирокчилари истеъдодини баҳолаш анча қийин кечди. Шу сабабли 1 та олий ўрин, 2 та 1-ўрин, 2 та 2-ўрин, 3 та 3-ўрин ва турли номинациялар бўйича ғолибларни аниқлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Олий ўринга Тошкент вилояти Бўка тумани вакиласи Дилором Арслонова муносиб деб топилди. 1-ўринга сазовор бўлган Сирдарё вилояти вакиласи Аноржон Аллаева томонидан намойиш этилган саҳна кўринишида ёш қизларни бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлган носоғлом муҳитга тушиб қолишдан асраш, уларни ахлоқсиз йўлларга кириб қолишдан ҳимоя қилиш гояси катта маҳорат билан очиб берилди. Айниқса, яна бир 1-ўрин соҳибаси Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани вакиласи Ўктамхон Солиеванинг миллий санъатимиз дурдонаси бўлган катта ашулани маҳорат билан ижро этгани залда ўтирган томошабинларнинг чексиз олқишига сазовор бўлди.

2-ўринга сазовор бўлган наманганлик Мавлудахон Мамажонова томонидан ижро этилган Наманган лапарлари, навоийлик Майрамхон Шодиева ижросида янграган чанқовус оҳанги барчани ҳайратга солди. "Энг кўп шогирд тайёрлаган тадбиркор аёл" номинацияси бўйича ғолиб деб топилган Қашқадарё вилояти вакиласи Гулчеҳра Примқулованинг тадбиркорлик фаолияти, "Энг яхши фольклор ижрочиси" номинацияси ғолиби самарқандлик Машрабхон Пармонованинг қўшиқчилик иқтидори ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Барча ғолибларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва ҳамкорларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъаналарига кўра, фарзанд оилада онага кўпроқ кўнгил очиши, ўз муаммоларини, аввало онага айтишини инобатга олсак, аёлларнинг ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларнинг тарбиясига ижобий ва кенг таъсир кўрсатиш имкониятлари қанчалик катта экани маълум бўлади. Бу имкониятлардан оналар ўз болаларининг келажаги йўлида унумли фойдаланмоқлари зарур.

Баркамол авлод тарбияси нафақат аёлнинг, балки бутун жамоатчиликнинг олдига катта вазифаларни қўяётганини доимо ҳис қилишимиз зарур. Ёш авлод тарбиясида миллатимизнинг юксак қадриятлари бўлиб ҳисобланадиган маҳалла, оила ва мактабнинг таъсири катта. Лекин, барибир мафкуравий тарбиянинг энг муҳим омили оила тарбиясидир. Халқимизда: "Қуш уясида кўрганини қилади", "Бола бошидан", деган нақллар бежиз айтилмаган.

Маънавияти юксак бўлган қизларни, Ватанга содиқ мард ва жасур ўғлонларни тарбиялаш борасида онанинг ёнида маҳалла, мактаб, устозлар ҳам масъулдирлар. Юртнинг кўрғонлари мустаҳкам бўлиши учун мамлакатнинг аёллари ҳушёрроқ, оналар билан бирга маҳалла-кўй ҳам огоҳ, жамият эса масъул бўлмоғи лозим.

Ниятимиз, юртнинг аёллари фозила бўлсин ва шу мамлакат камоли учун комил фарзандларни тарбиялаб берсинлар!

Гулнора МАЪРУФОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.

ЭРТАК ЗАМОНГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИМ МЕН

Яхшилардан сўз очдик



Юз йил-бир аср. Бу оз фурсат эмас. Юз йилда қанча-қанча воқеа- ҳодисалар содир бўлади. Агар инсон юз йил яшаса-чи? У туғилиб ўсган даври билан кексалик йилларидаги замон ўртасида катта фарқ бўлади. Чунки жамият ривожланиши билан шароит ҳам, муҳит ҳам ўзгариб боради.

Бир вақтлар бир парча зоғора нонга зор бўлиб юрган, лой кечиб, чироқсиз, газсиз қийин шароитларда яшаган, ҳозирда Тошкент шаҳар Сирғали тумани Қўшқўрғон маҳалласида истиқомат қилаётган юз ёшли Саврнисо ая йиллар ўтиб дунёни қутидек зангори экранда кўриб ўтиришини, меҳмондорчиликларга ўзбегимнинг машинасида бориб-келиб юришини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

- Ҳа, инсон ўлмаса кўрар экан. Ота-боболаримиз қулоқ қилинган замонни ҳам, очарчиликни ҳам, Гитлернинг урушини, Сталиннинг ситамини ҳам кўрдим. Шукрки, мана эркинлик, тўкинлик даврида ҳам яшаяпман. Халқимнинг орзулари ушалган эртак замон бу,-дейди онахон қувонч ёшларини артиб.- Фарзандларим, невараларимга ҳавасим келади. Менинг болалигим, ёшлигим азобда ўтди. Уруш туфайли жуда эрта тул қолдим. Эримнинг олдинги хотинидан қолган фарзандлари, ўзимнинг бор-йўғи биттагина қизим бор эди. Болаларни боқиш учун ўзимни ўтга-чўққа ураман. Колхозда ишлайман, пахта экамиз, ягана, чопиқ, чигит чуваш... Қишнинг қаҳрини ҳам, ёзнинг жазирамасини ҳам сезмайман. Эрим урушдан қайтмади. Йиллар ўтди. Болалар ҳам катта бўлишди. Барака топишсин, қийналганларим зое кетмади. Касбли, обрў-эътиборли инсонлар бўлиб етишишди. Мана, бугун уларнинг эъзозида юрибман.

- Болаларимни ўзим эмас, мана шу онам тарбиялаб катта қилган,-дейди аянинг 67 ёшли қизи Ҳалимахон. - Ҳар биринг тўйига кўрпа-тўшаги дейсизми, невараларимга бешик тузаш дейсизми, барчасини ўзи тиккан. Якинякингача ўзи игнага ип ўтказарди. Тўқсон ёшида ҳам дарахтга ўзи чиқиб мева теларди. Суяги меҳнатда қотгани учунми онам ниҳоятда чидамли, чайир аёл.

- Менинг юриш-туришимга ниҳоятда эътибор беришарди, дея онасининг гапига аралашади тўнғич невара Каромат. - Ўқишимга бориб устозларимдан дарсда ўзимни тутишимни, баҳоларимни суриштириб турарди. Бирон марта бўянишимга йўл қўймаган, сочимни кестирмаган. Ҳатто овқат ейишим, гапиришим, кулишимгача аҳамият берардилар. Мана ҳозир улар берган тарбияни болаларимдан невараларимгача ўргатиб келаяпман. Ўнта болали хонадонга тўнғич келин бўлиб тушдим. Оилада бўладиган гапларга чидолмай келиб қўйсам, ўша куни қайтариб юборарди. "Чидасанг, енгил кетсанг, оила бўлади", дерди доим. Мана ҳозир барча орзуйимга эришдим. Бунда ойижонимнинг ҳиссаси беқиёс.

Саврнисо буви билан суҳбатлашар эканмиз нуқул,-"Болам мени ёзиб нима қиласиз. Анваржоним, Шавкатжоним, Дилмуроду Дилшоджонларимни, умринг узоқ бўлгур Маҳзунахон, Донохонларни ёзинг", дея тақрорларди. Бувининг кўнгли тўлсин деб, ойижонларини паридек эъзозлаб ўтирган Дилшодбек ва Донохонларни ҳам суҳбатга тортдим.

- Бувижоним уйимизнинг файзи, фариштаси. Эрта-ю кеч умримизни, соғлигимизни, омадимизни сўраб дуо қилиб ўтирадилар. Биз уларнинг хизматини қилишдан чарчамаймиз, чунки бу ёшдаги инсоннинг дуосини олишнинг ўзи бахт,- дейди Дилшодбек.

- Мен келин бўлиб тушганимда хўжайиним: "Уйимда иккита дуогўйим бор, бири туққан онам, иккинчиси онамни туққан онам. Сен уларга парвона бўлсанг мен сенга парвона бўламан", дегандилар. Мен эса бу ёши улуғ ойижонларимнинг хизматини қилаётганимдан бахтиёрман. Қаранг, улар қанчалар нурли, ниҳоятда озода, покиза аёл. Юзга кирсалар-да юзларида ажин йўқ. Ҳамма жой саришта туришини истайдилар, бир дона ушоқни ҳам ерга тушиб қолишига йўл қўймайдилар. Бизни доим шукр қилиш, сабрли бўлишга чорлайдилар. Маҳаллага келин тушса бизникига саломга чиқади, бувижоннинг фотиҳасини олади. Қўшнилар доим бир коса овқат билан йўқлаб туришади. Дуоларини олишга шошишади.

Ҳа, табаррук ёшдаги Саврнисо бувининг дуолари олтиндан-да қадрли. Биз ҳам бу фариштa мисол онахон билан хайрлашар эканмиз, буви узоқ дуо қилиб, юртга тинчлик, элга тотувлик, кутбарака тиладилар. Дарвоқе, биз борган куни Саврнисо буви неварасиникига отланиб турган экан. "Бугун бешик тўй. Чеварали бўлдим, исмини Осиё деб қўйишибди. Ўз кўзим билан кўриб, узоқ умр тилаб келай-да ахир",-дейди ая мошинага ўтира туриб. Неварасининг "Нексия"сида мамнун кетиб бораётган Саврнисо аянинг ортидан боқиб қолarканман, бу беғубор, нурли онахонга жуда-жуда ҳавас қилдим.

Матлуба ШУКУРОВА.



ТЕГИРМОНЧИНИНГ ЎҒЛИ

Бир умр тегирмончилик қилган Мавлон ота ва Хайринисо опа икки ўғил ва икки қизни вояга етказишди. Оиланинг учинчи фарзанди Анвар кўзидаги ўти биланми, тиниб-тинчимаслиги биланми, бошқаларидан ажралиб турарди.

- Кампир, шу боланг бошқачаёв, - дерди Мавлон ота.

Анвар мактабни битириб, аввалги иши сувчиликни, пахта далаларида ишлашни давом эттирди. Сал суяги қотгани учун унга аравакашликни ишонишди. Қўқон аравада ўт, ўғит таширди. Айниқса, йиғим-терим мавсумида иш қизигандан қизирди.

Бир қанорга 60-70 килограмм пахта кетарди. 10-12 та қанорни Қўқон аравага жойлаб, пунктга етгунча 8-9 км. йўл босиларди. Сўнг қанорларни бир ўзи орқалаб трапдан кўтариларди. Кечқурун йўл заҳматларидан, юк оғирлигидан ҳориган отга қарарди. Аравакаш ҳам, отбоқар ҳам, юк кўтарувчи ҳам ўзи эди.

Бир куни бригадир Курбонбой ака Анварни ёнига чақириб:

- Анваржон, бригаданинг ҳисобкитобларини ўзинг қилгин. Мактабда яхши ўқидинг, ҳисобни яхши биласан,- деди. Унинг ёзув-чизувлари, барча даромаду буромадни ҳисоблашдаги аниқликлари Энгельс колхози раисининг ҳам назарига тушган экан. Раис Зокир Норматов Анварни бригада табелчилигидан хўжалик ҳисобчилигига чақириб олди.

1962 йилда Самарқанддаги ҳисобчилар тайёрлаш курсида бир йил ўқиди. Курсни аъло баҳолар билан тугатиб келиб, хўжаликда ёрдамчи ҳисобчи бўлиб ишлай бошлади.

Устози, хўжаликнинг бош ҳисобчиси Қўзибой Зиёвуддиновдан ҳисобнинг сир-асрорларини ўрганди. У пайтларда ҳисоблаш компьютерларсиз, ҳисоб машиналарисиз амалга ошириларди. Барча амаллар ҳисобчининг миясида пишарди. Фақатгина чўтга таянишарди. Шундай бўлса ҳам, адашишмасди. Устози, уруш қатнашчиси Қўзивой ака бош ҳисобчиликни иккиланмасдан шогирдига топширди.

Анвар Мавлонов 26 ёшида хўжаликнинг бош ҳисобчиси бўлди. Етти йиллик иши давомида хўжаликда ҳисоб ишлари яхши йўлга қўйилди. Иш ҳақи натура билан тўланди. Хўжаликка тоза сув келтирилди. Электр токи келди, йўллар асфальт қилинди.

Хўжалик иқтисоди кўтарилди. Яна ўн йил хўжалик ишлари бўйича раис муовини бўлиб ишлади. Кўпчиликнинг мулкини кўз қорачиғидай асради. Талон-тарожга йўл қўймади. Колхозчилар иш ҳақи ҳисобидан 4-5 тоннагача ғалла даромад қилишди.

Анвар Мавлоновни Олтинсой совхози иқтисодини кўтариб берасиз, деб бош ҳисобчиликка тайинлашди. Қишин иш билан бу ерда ҳам ўн йил жуда тез ўтди. Хўжалик янги ташкил қилинган, боғдорчилик, узумчилик, чорвага ихтисослашган эди.

1991 йилда совхоз директорлигига тайинлашди. Анвар ака раҳбарлигида токзорлар 450 гектарга, боғу роғлар 200 гектарга, қўйқўзилар сони 2000 бошга етказилди. Йилқилар 400 бош бўлди.

Барча режалар ошиғи билан бажарилди. Хўжалик тўлиқ газлаштирилди. 30 км. йўл асфальт қилинди.

1998 йилда вилоят ҳокимлигига чақиришди:

- Анвар ака, Ўсар Ҳотамов номли хўжаликнинг иқтисодини кўтариб берасиз. Сизга ишонамиз...

Анвар Мавлонов ўзи туғилиб ўсган хўжаликда беш йил раис бўлди. Хўжалик иқтисоди сезиларли даражада ўзгарди. Сув келтирилди. Тўлиқ газ келди. Йўллар яхшиланди.

Яна икки йил фуқаролар йиғини раиси бўлди. Ўтган йили, нафақага чиқиш учун ариза берди.

Унинг ўзига топширилган ишни масъулият билан охирига етказишини, пишиқ-пухта ҳисобларини, сал кам йигирма йил раис бобо бўлганини, хўжалик аъзоларининг минглаб муаммоларини тадбир билан, меҳр билан ҳал қилганларини унутмаганлар кўп бу элда. Яхшиликни, улуғларини унутмайди эл.

Анвар ака умр йўлдоши Ойша опа билан биргаликда икки ўғилни вояга етказишди. Улуғбек қурувчи, Ойбек таксопаркда колонна бошлиғи. Набиралари беш нафар.

Инсон ўз элига яхшилик қилиши билан уларнинг улуғига айланади, деганлари рост экан. Анвар аканинг ўрни ҳамиша давраларнинг тўрида. Айтгани айтган.

Х.БОБОМУРОДОВА,
Жиззах вилояти.

Республикамиз пойтахти — Тошкентда яшаб ижод қилаётган кўпгина қаламкаш хотин-қизларнинг Ғиждувондаги қадрдон дугонаси, синглиси, опаси бўлиб қолган Бахшанда опа билан мен ҳам кўп йиллик қадрдонман.

КИТОБЛАР, ГУЛЛАР ВА ДЎСТЛАРИНИ СЕВГАН АЁЛ

Бахшанда Болтаева талай вақт туманда раҳбарлик ловозимларида муваффақият билан ишлади. У айниқса, хотин-қизлар ҳаётини енгиллатиш, уларнинг она, уй бекаси, ишчи-хизматчи сифатида замон билан ҳамнафас қадам ташлаши йўлида куч-ғайрати, меҳнатини аямади. Бу ҳаракат, бу интилиш-изланиш Бахшанда Болтаевага Ғиждувон аҳлининг меҳр-муҳаббати, ҳурматини баҳш этди. Кўп йиллар Бахшанда Болтаева "Дардкаш" газетасига бош муҳаррирлик қилди. Айни дамда эса у раҳбарлик қилаётган "Аторуд" хусусий газетаси аллақачон ўз мухлисларини топиб улгурди. Чунки, газета ҳам ўз эгасига ўхшайди. Ундан ҳам анвойи чечакларнинг бўйи таралиб, қудратли сўз сеҳри оҳангрободек ўзига чорлаб туради.

Бахшанда Болтаевани бугун ғиждувонликлар "Болтаева опа" деб ҳурмат қилишади. Шогирдлари устоз дея эъзозлашади. Аёллар дардкаш дея, кўнгил очишади. Тенгдош дугоналар эса "Айланай жон" дея, соғиниб сўрашади. Унинг ёзганлари неча-неча нураётган оилаларни устун бўлиб ушлаб қолди. Унинг ёзганлари не-не беморлар қалбига яшаш иштиёқини бахш этди, оёққа туришига малҳам бўлди. Унинг ёзганлари қанчақанча ошиқ мактубларида муҳаббат саройларига оқ қуш бўлиб қўнди.

Истеъдодли журналист Бахшанда Болтаеванинг иш столи устида доимо турфа гуллар атир уфуриб турганига гувоҳ бўламан. Яна ҳар гал унинг китоб жавонига янги-янги адабиёт дурдоналари қўшилганини кўраман.

Бу оламда бир аёл учун лозим бўлган саодат Бахшанда опага ёр - у бахти бекам оиланинг ёниқ бир чироғи — бека, она, буви...

Яқинда Ғиждувон аҳли, туман раҳбарияти, дўсту қадрдонлар, шогирдлар Бахшанда Болтаеванинг табаррук ёшини тантанали нишонлашди. Унинг шаънига табригу таҳсинлар айтилди, шеър, қўшиқлар янгради. Бу ҳурмат, бу эҳтиром элда меҳнати билан нон қозонган ижодкор аёлга ярашиб тушди.

Мен ҳам уни таваллуд айёмининг 60 йиллиги билан қутлаб ушбу сатрларимни бир сават оқ гул дея, ҳадя этаман.

Олам сиз каби меҳридарёлар ила бўстон эрур. Томирингизда гуллаётган баҳорларингиз мангу яшил, умрингиз тонглари мунаввар бўлаверсин деб қоламан.

Зулфия МЎМИНОВА

«Оила ва жамият» менинг ҳаётимда» танловига

ЙЎЛИМНИ ЁРИТУВЧИ ЧИРОҚ

“Оила ва жамият” газетаси менинг ҳаётимда жуда муҳим ва зарурлиги билан аҳамиятлидир. Инсон кўп нарсалардан маънавий дам олиши, сабоқ чиқариши мумкин. Айтайлик: китоблар, турли-туман газета-журналлар, кино, мусиқа, театр кабилар инсон дунёқарашининг шакланишида ўзига хос рол ўйнайди. Шу маънода инсоннинг қандай китоб, газета, журнал ўқиши, қандай кино, театр асарларини томоша қилаётганига қараб унинг савияси, дунёқараши даражасини ҳам билиб олса бўлади. “Оила ва жамият” ўқувчини ўйлашга, мулоҳаза юритишга ва хулосалар чиқаришга ундовчи мақолалари ҳамда қаҳрамонларнинг чигал тақдирлари мисолида ҳаётда ҳеч қачон хатоларга ва гуноҳ ишларга қўл урмасликка даъват этиши билан ҳам тарбиявий газетадир.

Баъзи бир одамлар дунё неъматларидан оқилона ва оғир- босиқлик билан фойдаланиш ўрнига нафс балосига дучор бўладилар. Ундайлар бу дунёда фоний эканликларини ва мавжуд моддий ва маънавий бойликларнинг ҳаммаси ўткинчи эканлигини унутиб қўйганлар. Аммо битта нарса борки, у инсоннинг номини абадий қилишга замин бўла олади. Бу унинг эзгу ишлари, амаллари, одамларнинг қувончу-дарди билан қанчалик ҳамоҳанг яшаганлиги ва халқ орасида яхшилик ила ном қозонганлигидир.

Бизларга атрофимизда бўлиб ўтаётган воқеа ва ҳодисаларни тўғри тушунишни, ҳар қандай вазиятда ҳам шайтон йўлига кирмаслик ва доим эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг дардларига ҳамдард бўлиш, ўзаро қўлга киритган ютуқларимиздан қувонишни “Оила ва жамият” ўргатади.

Яна шуни қайд этгим келадики, “Оила ва жамият” газетаси ҳозирги ҳаётимга ижобий маънода катта ўзгартириш киритди ва келгусида орзу қилган ишларимга янгича руҳ бағишлади. Мен шу газета орқали, аввалambor жамиятимизда содир бўлаётган қанчадан-қанча воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлдим ва дўстлар орттирдим. Келгусида ҳам “Оила ва жамият” қоронғуликдаги чироқ каби ҳаёт йўлимни ёритишига ишонаман.

Ўйлайманки, турли табақадаги одамлар ва айниқса, ёш оилаларга турмушнинг икир-чикирлари, муаммоларини ҳал этишда ушбу газета ўрнак ва муаллим бўла олади.

Акбар БОЗОРОВ,
Жиззах шаҳри,
“Иттифоқ” маҳалласи.

СИЗ ҲАҚИҚИЙ ДЎСТСИЗ

Мен “Оила ва жамият” газетасига 2003 йилдан бошлаб обуна бўлиб келаяпман. Бу газета ҳаётимда катта рол ўйнайди.

“Оила ва жамият” сиз ҳақиқий дўстсиз. Дўст дегани мана сиздек бўлади. Мен буни ишонч билан айтаман. Сабаби, ҳамманинг дил сўзларини беминнат тинглайсиз, ўқийсиз, қайғу ва қувончини бирга бўлишасиз, ҳамиша қимматбаҳо маслаҳатларингизни аямайсиз.

Президентимиз: **“Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак”,** деганлар. Сиз ҳам ҳар бир дақиқада, ҳар бир сонияда савоб иш қиласиз. Шу газетани ўқиган ҳар бир инсон, умр бўйи керак бўладиган тажрибага эга бўлади. Мен Худо хоҳласа умримнинг охиригача севимли газетамга обуна бўламан. Мен бу газетани икки баравар ортиқроқ севишим керак. Чунки бу дунёдан мангу кўз юмган опам ҳам шу газетани яхши кўриб ўқирди. Бу газета мен учун қадрли ва бебаҳо.

Сиз билан боғлиқ қизиқ ҳангомаларни айтиб берсам...

Газета уйимга мен интиқлик кутиб юрган вақтдан ҳатто бир кунга ҳам кеч келса дарҳол матбуот идорасига қўнғироқ қиламан. Бир куни почтачи опа дадамга: “Қизингиз ҳадеб шикоят қилавермасин, илтимос. Баъзида газеталарни тарқатишга қўлим тегмай қолади”, - дебди.

Бир гал газета келган куни уйимизда меҳмон бор эди. Газета стол устида турган экан. Меҳмон қайтар чоғида унга кўзи тушиб: “Мана бу газетани олсам бўладими?” - деб қўлига олган экан, уйдагилар бирданига, “Тегманг! У Лизанинг жони-ку!” - деб бақириб юборишибди. Қўрқиб кетганидан меҳмоннинг қўлидаги газета тушиб кетибди. Кейин ҳаммалари кулишиб: “Лизанинг олтинларига тегсангиз ҳам, газетасига тегманг”, - деб мен ва газетам ҳақида гапириб беришибди.

Мен “Оила ва жамият” газетасидан бир умрга миннатдорман. Сабаби, “Келинг дўстлашайлик” саҳифаси орқали ажойиб дўстлар орттирдим. Ҳозир улар билан мактуб орқали фикрлашамиз, сирлашамиз. Уларнинг ҳаммаси “Оила ва жамият” газетасининг мухлислари. Ҳаммамиз қариндошдек гўё. Газетанинг “Акс-садо” саҳифасида ўз мақолам чиққан куни жуда хурсанд бўлдим. Сабаби, Қорақалпоғистоннинг энг олис туманида яшайдиган қишлоқ қизининг фикри инобатга олиниб, газетага чоп этилгани мени яна ёзишга, фикрлашга ундади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ҳамиша газетамни сўраб безовта қилганим учун Тахтакўпир туманидаги почта-алоқа бўлими ходимларидан кечирим сўрайман. Шу мақоламни ўқиётган бўлишса мени тушунишар, деган умиддаман.

Лиза РЕЙМОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтакўпир тумани.

Тарбия соати

ҚАҲР ЭМАС МЕҲР АФЗАЛ



Дарсда талабаларимдан бири: “Устоз отангдан улуғ” иборасининг маънисини тушунтириб беринг,- дея мурожаат қилди. Шунда бошқа бир талаба, иборани нотўғри талқин қилдинг, устоз отангдан эмас, балки отангдек, отанг каби улуғ дегани, дея изоҳ берди. Мен ўйлаб қолдим. Икки улуғ зот ота ва устозни ёшларимиз қай йўсинда қиёслашаяпти, фарзандларимиз бу улуғ зотлардан қай шаклда ибрат олишаяпти?,- деган ўй мени мушоҳада қилишга, фикрлашга ундади. Дарҳақиқат, биз оилада отани улуғлашни биламизми? Унинг юксак ҳурматини жойига қўя олаяпмизми? Ҳеч кимга сир эмас, ҳаммамиз оилада, фарзандларимиз ўртасида ўз сўзимизни ўтказамиз ва бу иш турли усуллар воситасида: куч ишлатиш ёки манфаатдорликни қондириш асосида амалга оширилади. Баъзи оталар иши, яшаш тарзи билан эмас, балки қаттиққўллиги билан, берахмлик билан ўз ҳукмини жорий этади. Танишларимдан бири ана шундай услубда болаларини тарбиялаб, ҳар куни иш режасини қатъий белгилаб, уни бажарилишини қаттиқ назорат қилар эди. Содда қилиб айтганда ўғилларига ҳам, қизларига ҳам нафас олишга қўймас эди. Сиртдан қараганда ишлар силлиқ кетиб, йиллар давомида фарзандларининг ҳар бири ўз оиласига эга бўлиб, ота кексайиб, кучдан қолди. Энди аввалига сиёсат фақат тилда амалга ошириларди. Аммо отанинг оилада ҳурмати анча йил пасайиб кетганлиги шундоқ кўзга ташланарди. Ота фарзандлари учун умрини сарф этганлигини қайта-қайта таъкидласа-да, фарзандлар уни ҳатто эшитишдан қийналишарди. Отага ачинардик. Фарзандларга насиҳат қилардик. Аммо отани улуғлашни уларга ўргата олмасдик. Зеро ота ўз қаттиққўллиги ила улар меҳридан маҳрум бўлган эди. Бу ҳолат ҳақида фикрларканман, фарзандлар учун ота меҳри қанчалик зарур бўлса, оталар учун ҳам фарзанд меҳри шунчалик зарурлигига ишондим.

Баъзан оталар фарзандларига нисбатан ўта юмшоқ бўладилар. Бир маҳалладошим ана шундай оталардан бири. Ўзи ўта мулойим бўлганлиги боис фарзандларини тергаш тугул, биронта ишни бажариб қўйишни ҳам буюра олмайди. Натижада ўғиллар дангаса, қизлар кийимпараст бўлиб ўсишди. Бу ота ҳам қарилик нафақасига чиққач, мазза қилиб маҳалладошлари билан тўйларда, йиғинларда кексалик гаштини суриб юрмоқчи бўлди. Аммо бир ой давомида ўз уйига ўзи сиғмай, рўзғоридаги кемтикларни тўлдира олмай яна иш жойига қайтди.

Бу отага ҳам ачиндим. Тонгда истар-истамас ишга кетаётганини, оқшом зўр-базўр, оёғини судраб ишдан қайтаётганини кўрганимда юрагим эзилиб, бир қур кексаликдан хавотирланиб ҳам қоламан.

Ана энди азизлар айтинг-чи, юқоридаги каби оталари улуғланмаган, ўз қадрини топа олмаган оилада вояга етаётган ўғил-қиз ўқув муассасидаги устозини ҳурмат қиладими? Ўз отасини қадрламаган бола, ўзга отани қадрига етадими? Йўқ, минг карра йўқ. Қадр-қиймат туйғуси оилада шаклланиб, мактабда, олийгоҳда маънавий қувват олиб, мустаҳкамланади.

Шу ўринда устозлик масъулияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Устоз дегани бу фақат бирор фандан таълим берувчигина эмас, балки ўз талабаларига, ўқувчиларига тўғри йўлни кўрсатувчи, маърифатпарвар инсон ҳамдир.

Анатомия фани синфхонаси эшиги ёнида бир гуруҳ талабалар дарсга кирмай, тўпланишиб турганини кўрдим. Улар ёнига бориб дарсга киришмагани сабабини сўрадим. Устоз кечга қолган талабаларни киритмаганлиги маълум бўлди. Тўғри, устоз тартибга жавобгар, аммо ҳаётда турли воқеа содир бўлиши мумкин-ку. Арзимаган далиллар учун, соатлаб дарсдан маҳрум бўлган талаба устозини ҳурмат қилмаслиги аниқ.

Афсуски, ҳали ҳамон ёшларга тепадан, баландпарвоз қиё боқувчи устозлар ҳам учраб туради. Бундайлар меҳр ўрнига қаҳр билан тарбия юргизмоқчи бўладилар. Менимча, бу нотўғри. Ахир меҳрни қуёшга тимсол қилишади. Қаҳрни эса дўлга. Ёш навниҳолни қуёш кўкка тортқиласа, дўл ерга уриб киргизади. Шундай экан, биз ёшларга нисбатан қуёш каби меҳрибон бўлиб, улар парвоз этишларига қўмакдош бўлишимиз керак. Шундагина бизни уйда устоздек кўришса, мактабда отадек ҳурмат қилишади.

Оила даврасида отанинг улуғланиши қадр топиши кўп жиҳатдан онага боғлиқ. Агар она ўз фарзандларига отанинг афзалликлари, фазилатлари ҳақида гапириб туриш ўрнига, унинг қусур ва нуқсонларини таъкидлайверса, болалари олдида отани ерга уриб, уни ношудликда, лапашанглиқда ва иши юришмасликда айблайверса албатта бундай отанинг оилада қадри батамом йўқолади. Фарзандлар отадан маслаҳат олиш тугул, бирор юмушни бажаришда ҳатто изн ҳам сўрашмайди. Табиийки отадан сўнг оилада онанинг ҳам қадри тушиб кетади. Энди бу оиладаги ўғил-қизлар бебош, ўзбошимчаларга айланишади. Улар кўнгли истаган ишни амалга ошириб, ҳаётнинг сўқмоқларида бегоналардан паноҳ излаб, боши берк кўчага кириб қолишлари аниқ. Бундай фожеадан Аллоҳ ўзи сақласин. Бундай ҳолатни ҳеч бир оиланинг бошига солмасин.

Ҳа, азизлар, оталик бахти жуда улуғ бахт. Аввало унинг шукронасини қилмоқ лозим. Сўнгра унинг масъулиятини ҳис қилган ҳолда фарзанд тарбиясига эътибор бериши лозим. Ана шундагина кексалик палласи гаштли кечади.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,
Тиббиёт коллежи олий тоифали ўқитувчиси.
Тошкент шаҳри.

Ҳуқуқий дарсхона

САВОЛ: - Қандай ҳолатлар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўлади?
Салтанат ХОЛМИРЗАЕВА, Қашқадарё вилояти.

ЖАВОБ: - Оила кодексининг 79-моддасига асосан, ота-она ёки улардан бири қуйидаги ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин:

ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

ўзрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри(хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Гулнора ҲАМРОЕВА,
ҳуқуқшунос.

ЮРАГИМДА ОҒРИҚ БОР, АРМОН БОР...

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Ўзимнинг ота-онам бўлса-да, тирик етим ўсдим. Бувимнинг айтишича мен бир ярим ёшга тўлганимда улар ажрашиб кетишган экан. Мени бувим ўстирди. Инсон нимага зор бўлиб ўсган бўлса, шуни умр бўйи қўмсайверар экан. Онамнинг сутига ва меҳрига тўймаганим учун шуларни қўмсаб, бошим эгилиб ўсдим. Шу пайтларда : "Агар фарзанд кўрсам, боламни ҳеч нарсага зор қилмайман. Онасининг сутига ҳам, меҳрига ҳам қонади. Уни бу бахтдан ҳеч қачон маҳрум қилмайман" - дея ният қилдим.

Улғайгач уйландим. Шунда қўшни маҳалладан бир чала битган иморатни қарзга олиб, ўша жойга кўчиб бордик. Шу орада ўғлим Воҳиджон туғилди. У бир ёшдан ошгандан кейин хотиним ишга чиқиш тараддудига тушиб қолди.

- Бу сизга маъқул бўлмадими?

- Йўқ, чунки у болани анча олисдаги бир опасига бериб, ишламоқчи эди. Йўл олис бўлганлиги ва боламнинг қийналишини ўйлаб мен бунга кўнмадим. У эса: "Сен мени қайси пулингга боқмоқчисан? Ахир бошқаларга ўхшаган данғиллаган уйимиз, босиб қўйган давлатимиз йўқ-ку!" деди.

- Ҳар ҳолда унинг гапи тўғри бўлган, шундайми? Сиз нима иш қилардингиз?

- Дўконда ишлардим. Ҳар ҳолда ёмон топмасдим. Уйимни энди қура бошлагандим. Аммо, ҳамма нарсага сабр керак эмасми?

- Тўғри-ку, лекин хотинингиз ишлагани ҳам рўзғорга ҳарна эмасмиди?

- Йўқ, ҳисоблаб кўрдим. Унинг маошига яна шунча пул қўшсамгина, бир ойлик йўл кирасини қопларканман. Бу дегани унинг ишлагани фойдадан кўпроқ зарар келтирар экан.

- Кейин нима қарорга келдинглар?

- Хуллас, менинг истаганим бўлмади. Келиша олмадик? Боламиз бир ярим ёшга тўлганда ажрашиб кетдик. Мен чала иморатимни хотинимга ташлаб, уйдан чиқиб кетдим. Орадан вақт ўтиб, у ҳам турмушга чиқди, мен ҳам уйландим.

- Ўғлингиз-чи, у ким билан қолди?

- Табиийки у хотинимда қолди. Чунки отасига ўсса ҳам, ҳеч бўлмаса она меҳрига тўйиши керак эди. Орадан йиллар ўтди. Унга 18 йил давомида алимент тўладим. Совғалар билан йўқлаб турсам-да, муносабатимизда илиқлик сезилмади. Майли-да, фарзандим, кейинчалик сингишиб кетармиз деб ўйладим.

- Бу сизга оғир botгандир?

- Албатта, оғир ботди. Майли, шунда ҳам айбни ўзимга қўйиб қўя қолдим. Ўғлим билан соатлаб суҳбатлашиб ўтиришни, йиллар давомида дилимдаги унга айтмоқчи бўлган гапларимни айтиб ўтиришни истардим. У эса тобора мендан узоқлашаяпти...

- Бунга отасиз ўсгани сабаб деб ўйламадингизми?

- Ўйлаганман. Аммо, беайб парвардигор. Нима бўлса бўлиб ўтди. Вақтни эса ортга қайтариб бўлмас экан. Ёшликда мен ҳам ўйламай иш тутгандирман? Сал хотинимга ён беришим, унинг ишлашига қаршилик қилмаганим маъқулмиди? Энди бу гаплардан фойда йўқ.

Отамнинг иккинчи оиласидаги ака-укаларим, онамнинг турмушидаги опа-сингилларим билан борди-келди қилиб турамиз. Аммо, ўғилнинг келиши бўлак экан.

- Сиз бувимнинг қўлида ўсганман, дегандингиз-ку!

- Шундай. Бувимнинг қўлида ўсдим. Лекин онамни қўмсаб кўп йиғладим. Болаларнинг камситишлари, "Етимча етти кулча" деган ҳақоратлар... Ҳаммаси жонимдан ўтгандан кейин онамни излашга тушдим. Буни қарангки, у қўшни маҳаллага келин бўлиб тушган экан. Уни топиб олдига борганимда: "Сиз қанақа онасиз ўзи? Нега мени келиб кўрмадингиз? Соғинмадингизми?" - деб йиғласам, онам ҳам қўшилиб йиғлайди денг.

- Соғиниб кўргим келганида, бориб ҳовлининг деворидан сени кўриб келардим. Аммо, бувинг, "Боланинг кўнглини бузмагин. Сени кўрмагани маъқул. Бўлмаса ўзингга ҳам қийин бўлади,- деганидан кейин қўрқиб мени кўришга ичкарига кира олмаган экан.

Тирик етимлик, ота меҳрига зорлиги ўғлимнинг ҳам бошига тушгандан кейин у мени ёқтирмай қолган кўринади.

Оиласи бузилган инсонни тақдир ҳам сийлаб қўймас экан. Бошимга анча савдолар тушди. Ишимдаги муаммолар туфайли узоқ муддатга қамалиб кетдим. Ёшим ҳам олтмиш бешдан ўтди. Ҳозир соғлиғим унча яхши эмас. Кўзим хиралашаяпти. Ўғлимни чақириб у билан кўзимни шифокорларга кўрсатишга ёрдам беришини сўрамоқчи ва шу баҳона бўлиб қадрдонлашиб кетишимизни жуда-жуда истагандим.

- Балки хафа бўлишингиз ноўриндир? Чунки у ҳам сизга ўхшаб тирик етимликнинг азобини тортгандир? Болалиги қийинчиликда ўтиб, унинг аламлари, изтиробларини ҳозиргача эсидан чиқара олмаётган бўлса-чи?

- Шундай бўлса керак. Лекин қилган хатоларим, ўйламай тутган ишларим учун ўзимнинг ҳам юрагимда оғриқлар, армонлар бор.

Тўғри, фаришта эмасман, аммо ёшим ўтди, буёғига қанча яшардим? Кексайганда киши ўз жигарбандларини қўмсаб қолар экан-да. Наҳотки ўз отасини кечира олмаса-я, бир гаплашиб кўрингчи... Зора инсофга келиб қолса?

- Сиз иккинчи хотинимдан ҳам фарзандларим бор, деяпсиз? Улар сизга ёрдам беришмаяптими?

- Беради-ю, лекин... Бу ўғлимга ҳам алимент тўлаганман-ку! Нима бўпти ёрдам берса? Агар ўз ихтиёри билан бермаса, унда...

- Қандай йўл тутмоқчисиз?

- Уни судга бермоқчиман!

- Ўз обрўингиз ва маҳалла-кўй олдидаги турли гап-сўзлар...Сизга оғир ботмайдими? Бу ҳолда сизнинг иккинчи турмушдаги фарзандларингиз беоқибат экан, отасини боқа олмагани учун у шундай йўл тутган деган гаплар келиб чиқиши аниқ. Сиз ўғлингиздан алимент талаб қилсангиз... Боя сиз ундан истаганингиз меҳру оқибат, ота-болалик ришталари буткул узилади-ку!

Отахон бироз ўйланиб турди-да, ёнидан кичик бир қоғозча чиқариб, узатди. Унда ўғлининг телефон рақами бор экан. Олдида қўнғироқ қилдим. Анча гаплашдик. Гўшакдан гапираётган йигитнинг ақлли, мустақил фикр юрита оладиган инсон эканлиги сезилиб турарди.

- Ота-онам гўдаклигимда ажрашган бўлса, менинг айбим йўқ-ку! Оллоҳга минг бор шукрки, менинг иккинчи отам жуда меҳрибон инсон эди. У кеча-ю кундуз меҳнат қиларди. Вақтида ўзи ёмаса ҳам бизга олиб келарди. Шунинг ғамхўрлиги, меҳнатқашлиги боис бировдан кам бўлмай ўсдим. "Ота" дея суяндим. У мени ўғлидек ўстириб, кейинчалик уйлантирди. Уй-жой қилиб берди. Бу отамдан беҳад миннатдорман. Ўзимнинг отам эса... Мени кечирасиз у: "Бир умр ёшлигимча қоламан, кексалик мени четлаб ўтади", дейдиганлардан экан, деб ўйлайман. Эҳтимол, мендан алимент ундирмоқчи бўлаётган отамга ёрдам берарман ҳам. Аммо, керак пайтда бошимни силамаган одамга қандоқ қилиб меҳр қўяй? У билан борди-келди қилиш мени ўстирган отамнинг юзига оёқ қўйиш билан баробар эмасми? Ҳар қалай ўз отам нима қилса-да, ўзининг иши лекин иккинчи отамнинг юзига оёқ қўймайман,- дея гўшакни қўйди йигит.

Отахон эса суҳбатимизни диққат билан эшитгач, бошини эгиб, индамай чиқиб кетди. Афсуски, у ўзи айтгандек меҳр истамаган кўринади. Энди эса... Вақтида меҳрга зор бўлган фарзанди меҳрини қозониши гумон. Азиз мухлислар! Бу воқеада Тожидин ота ҳақми? Ёки уни кечира олмаётган ўғли айбдорми? Сиз нима дейсиз?

ГУЛБАШАКАР

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Қўнғироқларингиз...

- Навбатдаги қўнғироқ қилган овоз эгаси йиғи аралаш титроқ товушда:-Опажон қўрқиб кетяпман,- деди.

- Тинчликми, куппа-кундузи нимадан қўрқасиз?

- Ҳозиргина мени тунаб кетишди, тилла асбобларимни, пулларимни олиб кетишди.

- Бориб совуқ сув ичиб олинг, чуқур-чуқур нафас олинг-да кейин бир бошдан гапириб беринг.

- Ҳозир,-дея бироз ҳаяллаган қиз яна қайтиб гўшакка келди-да:-Мен Навоийданман, Тошкентда ТошМИда ўқийман. Бу ерда ҳам уйимиз бору, ёлғизлигим учун холамларникида тураман. Вақти-вақти билан уйга келиб хабар олиб тураман. Ҳозир ҳам уйни кўздан кечиргани келгандим. У ёқ-бу ёғини тозалаган бўлдим-да, стулда "Оила ва жамият"нинг эски сони ётган экан, олиб ўқиб ўтиргандим, эшик жиринглади. "Ким?",-деб сўрагандим,-"Пожарнийдан",-деб жавоб берди. "Нима ишингиз бор",-десам: "Газни текширишимиз керак", деди. "Ҳамма тўловлари тўланган, ҳеч қанақа камчилиги йўқ", дегандим, "Газ плитанинг ичида номери бор шуни ёзиб кетишимиз керак",-деди. Ноилож эшикни очдим. 25 ёшлардаги йигит кириб келди. "Келинг", деб энди бурилган эдим, қаеридандир пичоқ чиқариб менга ўқталди. Турган жойимда қотиб қолдим. "Овозингни чиқарсанг ўласан, ниманг бор, чиқар",-деди. "Нима керак бўлса олинг",-дедим. Шунда у ёқ-бу ёққа қаради-да, кейин мени бошдан-оёқ кузатиб, "Тиллаларингни еч", деди. Мен индамай тиллаларимни ечиб бердим. "Бор пулингни чиқар",-деди. Сумкамдаги 30 минг сўмимни бердим.

- Ички ишларга қўнғироқ қилмадингизми, ёки қўшнилардан ёрдам сўрасангиз ҳам бўларди.

-У,-"Жонингдан умидинг бўлса бақирма, ҳеч кимга телефон қилма",- деди. Мен эса: "Йўқ-йўқ, овозимни ҳам чиқармайман", дедим.

-Ўзингизга шикаст етказмадими?

- Йўқ. Шунисига ҳам шукр. Пулга ачинмайман, узукларим жуда қиммат, қадимий эди.

- Нарса топилар, ўзингиз омон қолибсиз. Шундай бўлсада, тезда дўхтирга боринг. Асабларингизга таъсир қилган бўлиши мумкин.

- Ҳозир ҳам оёқларим қалтираб, юрагим ғалати бўлиб кетяпти. Биласизми, йигит пичоқ тираб турганда хаёлимдан, "Наҳотки ўлсам, ахир ҳеч ким билмай қолади-ку", деб ўйладим. Шунинг учун ҳам сизларга телефон қиляпман. Бирдан хаёлим болажонларга кетди. Кўпчилик ота-оналар болаларини уйда ёлғиз қолдириб кетишади. "Газ, сув, электр идорасиданмиз", деб келадиганлар кўпайиб кетган. Илтимос, ёзинг, ота-оналар зинҳор-базинҳор болаларни қаровсиз қолдиришмасин. Хўп хайр, опажон, исмимни ёзмай қўя қолинг. Воқеани аяжоним ўқиса мендан хавотирланади.

- Қизнинг ҳолатини тасаввур қилаяпсиз-ми? Аксариятимиз кўп қаватли бинолларда турамиз. Ҳақиқатан ҳам, тиланчи дейсизми, савдогар дейсизми, коммунал тўловларни деб, ёки тополмаётган хонадонини қидириб эшик қоқадиганлар кўп. Сингилжон айтганидек, огоҳ бўлайлик, огоҳ.

Матлуба ШУКУРОВА.

ОДАМ БЎЛИБ КЕЛДИК...

"Эшик тақиллади" - 11-сон

ЭСЛАТМА: Кўнгил зиёрати! Жуда бўлмаса, қўнғироқлашиб туриш ҳам ярим дийдор, дейдилар. Эҳ, инсон нақадар ғанимат. Инсондан бошқа ҳамма нарса сиз истаган вақтда албатта топилади. Лекин биз одамлар ҳамма вақт ҳам буни англаб етамизми. Ҳозирги кунда бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат йўқолиб бораётгандек.

Санъат МАҲМУДОВА.

Бу мақола қалбим торларини чертиб, мени ниҳоятда тўлқинлантирди. Кўзларимга ёш келди. Ҳақиқатан ҳам ишлаб юрганда билинмас экан. Журналист айтганидек, ишга борар экансан, келаркансан. Умр эса оқар сувдек ўтиб кетаверяркан. Мен ҳам ўқувчиларимга тил-адабиётдан дарс берар эдим. Бунинг устига даста-даста иншо, баён, диктантларни келтириб, кечқурун уйда текшириб, баҳолаб яна эрталаб мактабга борар эдим. Бунинг устига қўшимча дарслар, шеърхонликларга тайёргарлик, драмалардан парчаларни саҳналаштириш каби ишлар билан банд бўлардим. Вақт ўткинчи экан. Ҳаммаси ортда қолди. Ўттиз йиллар чамаси ишладим. Мана, неча йилки нафақадаман. Уйда молҳолларга қарайман. Ҳамкасблар билан тез-тез учрашиб турамиз. Мен бораман, улар байрамларга таклиф этишади. Ўзимизга яраша дўстларимиз бор. Келиб-кетишади. Синфдошлар бор.

21.30 Узбек наволари
22.00 Наше кино «Сарвиноз»
24.00 Миксер

4.55 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.35 «В ритме танго».
9.30 «Детективы»
10.00 «Малахов +»
11.00 Новости
11.15 Сериал «Талисман»
12.15 «Вне закона». «Беглец-невидимка»
12.50 «Без комплексов»
14.00 Новости.
14.15 Леонид Куравлев в сериале «Сыщики»
15.20 «Доктор Курпатов»
15.55 «Пусть говорят».
17.00 Вечерние новости.
17.10 «Вне закона». «Северная вендетта»
17.50 «Любовь как любовь».
18.55 «Федеральный судья»
20.00 Время
20.30 «В ритме танго».
21.30 Спецрасследование. «Карцер для бабушки»
22.30 «Судите сами»
23.20 Ночные новости
23.35 Х/ф «Глаза ангела»
1.20 Фильм «Возвращение в Эдем», 2-я серия
2.00 Время
2.30 Фильм «Возвращение в Эдем». Продолжение
3.25 Дневник XXVIII Московского международного кинофестиваля
3.35 «Песни нашего двора. Территория свободы». Д/ф
4.00 Новости.

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Татьяна Васильева в комедийном сериале «Любовь моя».
8:50 Артур Смольянинов в остросюжетном телесериале «Тайный знак».
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 Виктор Мережко в детективном телесериале «Крот».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13:40 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
15:45 ВЕСТИ.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Анатолий Лобоцкий в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
22:15 «ВЕСТИ+».
23:35 КИНОАКАДЕМИЯ. Эммануэль Беар в фильме «Заблудшие» (Франция- Великобритания). 2003г.
1:30 «Горячая десятка».
2:35 «Дорожный патруль».
2:45 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. ПРЕМИЯ «ЭММИ». Телесериал «Андерсонвилль» (США).
3:30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЖУМА 30

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
8.50 "Олам ва одам" дастури: "Ифорлар оғушида".
"Ёз – ўтмоқда соз":
9.15 1. "Цирк, цирк, цирк".
2. "1001 долматинлар". Болалар учун фильм.
10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00 "Ахборот".
11.15 "Омон бўлинг!"
11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 "Табаррук замин".
12.20 "Аёл – баркамол авлод мураббийси".
12.45 "Чин муҳаббат". Телесериал.
13.50 "Зилол". Фольклор қўшиқлар.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Ватан туйғуси".
15.40 "Бир асар тарихи".
16.00 "Қоракалпоқнома".
"Болалар сайёраси":
16.20 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
16.40 "Меҳр кўзда". Хатларга шарҳ.
17.00 "Ахборот".
17.15 Олтин мерос.
17.25 Бизнес янгиликлари.
17.45 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
18.05 "Минг бир ривоят".
18.10 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
18.30 "Умр мазмуни".
18.50 "Икки дарё оралиғида". Видеофильм. 5-қисм.
19.10 "Оҳанглар оғушида".
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.30 "Ахборот" (рус)
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Ишқ эртаги".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Одамлардан бири".
22.00 "Чин муҳаббат". Т/с
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Сэнт – балиқчилар макони".

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 У ким? Бу нима?
8.30 "Фан" туркуми: "Сув мўъжизалари".
8.40 Давр мавзуси.
8.55 Анонслар.
9.00 "Қалбим чечаги". Сериал.
9.50 Кино SMS.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 "Майсаранинг иши". Бадиий фильм. 2-қисм.
11.15 SMS-кинотанлов.
11.20 Қизил ҳудуд.
11.35 "Кўза". Телевизион бадиий фильм.
12.05 Кино SMS.
12.10 "Ғурур". Сериал. 9-қисм.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 "Фан" туркуми: "Компьютерлар ва математика".
14.25 Ўсмирлар симфоник оркестри.
14.40 "Мўйқалам сеҳри". Абдунаби Мамадиев.
15.10 "Даллас". Сериал.
15.55 Ёнимдаги бахт.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 Дийдор.
16.35 Кино SMS.
16.40 Хуш келибсиз!
17.10 Антиқа томоша...
17.40 SMS-кинотанлов.
17.45 Солиқ хизмати хабарлари.
17.55 Анонслар.
18.00 "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". Сериал.
18.40 Болалар табассуми.
18.45 Ёшлик наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кино SMS.
19.40 "Моя мечта". Дунё тамошлари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Кинотақдим.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Эълонлар.
21.00 "Ғурур". Сериал. 10-қисм.
21.50 SMS-кинотанлов.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино SMS.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 Анонслар.
23.00 "Ёлғон асираси". Телесериал.
23.45 – 23.50 Орзулар бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30 **"Пойтахт". /рус/.**
18.50 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли. телесериал.
19.15 "Нуқтаи назар".
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 **"Пойтахт".**
20.20, 21.50 "Тв анонс".
20.25 "Яхши-ёмон йигитлар". Телесериал. /рус/.
20.50, 21.25 "Телекурьер маркет".
21.00 "Оқшом наволари".
21.20 "Тв юрист".
21.35 "Аёл қалби".
21.55 "Осмонга йўл". Қисқа метражли бадиий фильм. / рус/.



7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (Рус)
8.20 "Мониторинг".
9.00 "Хабарлар".
9.20 "Ринг".
9.50 Детский час.
10.50 "Патагония – земля юга". Док. фильм.
11.15-12.15 "Талисман".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Досуг".
18.30 "Хабарлар" (Рус)
18.50 "В поисках 80 сокровищ".
19.25 "Вести".
19.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал.
22.00 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
22.20 "Поле чудес".
23.25 Жаҳон чемпионатига-2006 кундалиги.
23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
2.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

TV-MARKAZ

12.00 Марказ NEWS (узб)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.15 Узбек наволари
14.00 «Юлдузли пайшанба» (повтор)
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Мировые хиты
16.30 ПРЕМЬЕРА!
17.00 «Судьбы» (повтор)
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.15 «Ва-банк» 21-серия
20.30 Узбек наволари
22.00 Кино «Карты, деньги, два ствола»
00.50 Миксер

4.55 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.35 «В ритме танго».
9.30 «Детективы»
10.05 «Малахов + «
11.00 Новости
11.15 Сериал «Талисман»
12.15 «Вне закона». «Северная вендетта»
12.50 «Лолита. Без комплексов»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Борис Щербаков, Леонид Куравлев в сериале «Сыщики»
15.20 «Доктор Курпатов»
15.55 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Вне закона». «Братья-разбойники»
17.50 «Любовь как любовь».
18.50 «Поле чудес»
20.00 Время
20.25 Фестиваль юмора «Умора-2006»
21.45 Премьера. Комедия «Американский пирог: Свадьба» (2003 год)
23.25 Геннадий Хазанов, Вячеслав Невинный в комедии «Полицейские и воры»
1.00 Фильм «Возвращение в Эдем», 3-я серия
2.40 Дневник XXVIII Московского международного кинофестиваля
2.50 Сериал «Линия огня»
3.30 Новые чудеса света. «Дом культуры для аборигенов»
3.55 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Светлана Антонова, Денис Матросов, Оскар Кучера и Татьяна Васильева в комедийном сериале «Любовь моя».
8:50 Владимир Стеклов, Александр Песков, Сергей Варчук, Марина Яковлева, Александр Белявский и Артур Смольянинов в остросюжетном телесериале «Тайный знак».
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 ПРЕМЬЕРА. Владимир Ильин, Дарья Досталь, Людмила Гурченко, Владимир Стеклов, Лия Ахеджакова и Альберт Филозов в ироничном детективе «Горыныч и Виктория».
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 «В поисках приключений».
14:40 Армен Джигарханян, Николай Добрынин и Геннадий Назаров в детективе «Короли российского сыска». Фильм 3-й. «Шантаж».
15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долинский и Анатолий Лобоцкий в телесериале «Волчица».
18:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 Футбол. Чемпионат мира. 1/4 финала. Прямая трансляция из Германии.
22:00 Ежегодная церемония вручения музыкальной премии «Звуковая дорожка МК» в Кремле.
0:10 Игорь Петренко, Ольга Филиппова и Ярослав Бойко в фильме «Кармен». 2003г.
2:30 Гай Пирс в остросюжетном фильме «Слово вора» (Великобритания-Австралия). 2002г.
4:20 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. ПРЕМИЯ «ЭММИ». Телесериал «Андерсонвилль» (США). 1996г.

ШАНБА 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Ёз – ўтмоқда соз":
8.50 1. "Олтин тож". Телеўйин.
2. "Шумтакалар". Мультсериал.
9.40 Биржа ва банк хабарлари.
9.45 "Хидоят сари".
10.05 "Оналар мактаби".
10.25 1."Рангинкамон". 2."Дидар".
11.05 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.40 "Интеллектуал ринг".
12.25 "КиноТеатр".
12.45 "Чин муҳаббат". Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Меҳр кўзда".
16.00 "Шоҳизинда: кеча ва бугун". "Болалар саййёраси":
16.45 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.45 ТВ анонс.
17.50 "Оҳанглар оғушида".
18.00 "Минг бир маслаҳат".
18.20 **2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".**
18.40 "Шахсий фикр".
19.15 "Суперлото". Телелотерея.
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Навобахш". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Оҳангларга ошуфта кўнгил". Ҳ. Раҳматов.
22.00 "Обод манзиллар".
22.10 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.20 "Анна ва қирол". Бадиий фильм. 1-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 "Фан" туркуми: "Сув мўъжизалари".
8.20 Анонслар.
8.25 Солиқ хизмати хабарлари.
8.35 Антиқа томоша...
9.05 SMS-кинотанлов.
9.10 Дунё бўйлаб.
9.30 Юлдуз билан...
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/ 4 финал.
12.05 Кино SMS.
12.10 "Ғурур". Сериал.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 "Фан" туркуми: "Компьютерлар ва математика".
14.25 Ўсмирлар симфоник оркестри.
14.40 Азизим.
15.05 Ватан ҳақида ўйлар.
15.10 SMS-кинотанлов.
15.15 Ҳандалак.
15.35 Ёнимдаги бахт.
15.40 Чемпион сирлари.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 Меҳмонхона.
16.35 Бола тилидан.
17.05 "Ханда" ижодий гуруҳи тақдим этади: "Қўшқулоқ".
17.25 Ёшлар куйлаганда.
17.45 SMS-кинотанлов.
17.50 "Камолот" хабарлари.
18.00 2006-Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саҳоват".
18.40 Ватан ҳақида ўйлар.
18.45 Каталог.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кино SMS.
19.40 Давр-репортаж.
19.50 "Қўшиқнинг туғилиши". "Сарбон" гуруҳи.
20.20 Эълонлар.
20.30 "YOSHLAR"да премьера: "ЗЕРДА". Сериал.
21.45 Ёшлик наволари.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 SMS-кинотанлов.
22.40 Оҳанрабо.
23.20 SMS-кинотанлов якуни. Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

"8.00-13.00 " гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30 "Шунақа гаплар" ҳажвий кўрсатув.
18.50 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли телесериал.
19.15, 20.55, 22.30 "Тв анонс".
19.20, 21.20 "Телекурьер маркет".
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 "Тв юрист.
20.05 "Олқиш".
20.35 "Экран зийнати ва қиймати".
21.00 "Оқшом наволари".
21.30 "Дадил қадамлар".
21.50 "Тв юрист".
21.55 "Мулоҳаза учун мавзу".
22.35 "Аскар улуғ ном". Бадиий фильм премьераси 1-қисм. /Хиндистон/.

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Смак".
9.25 "Соғлом оила".
9.50 Мультфильм.
10.15 Субботний "Ералаш".
11.10 "Военное дело".
11.30 "Музыкальный марафон".
12.10 Ўзбекистон чемпионати. Шинкиокушинкай каратэ.
12.40-13.30 "Иқтидор".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 "Тема дня".
19.20 "Вести".
19.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал.
22.00 "Хабарлар" (ўзб тилида)
22.20 "Кавалеры морской звезды". Сериал.
23.10 "Тақдир чизгилари".
23.25 Ж/Ч-2006 кундалиги.
23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал.

TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус)
13.20 Узбек наволари
13.30 «ТОП-10» (повтор)
14.00 ПРЕМЬЕРА!
14.30 Мировые хиты
15.00 Теленяня «Мэри Поппинс, до свидания» 1-серия
16.20 Узбек наволари
16.30 «Очил дастурхон» (повтор)
17.00 Узбек наволари
17.30 «Юлдузли пайшанба» Улугбек Рахматуллаев (избранное)
18.00 TOTAL NEWS (узб)
18.20 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус)
19.20 Индийское кино
21.00 Узбек наволари
22.00 Х/ф «Куда приводят мечты»
00.20 Миксер
00.30 «Миссия неповторима»

ОРТ

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой».
5.35 Александр Збруев в приключенческом фильме «Где 042?»
6.55 «Играй, гармонь любимая!»
7.40 Слово пастыря
7.55 «Русские золушки: Замуж за принца». Документальный фильм
9.00 Новости
9.10 «Смак»
9.25 «Принцесса Диана. Секреты королевской семьи»
10.15 Субботний «Ералаш»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Здоровье
12.10 Фильм «Возвращение в Эдем»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Кто хочет стать миллионером?» с Максимом Галкиным
18.05 Выпускной вечер «Фабрики звезд». Концерт в «Олимпийском»
20.00 Время
20.20 Выпускной вечер «Фабрики звезд». Продолжение
21.45 «Что? Где? Когда?»
22.45 Харрисон Форд, Мишель Пфайффер в триллере «Что скрывает ложь»
1.00 Дневник XXVIII Московского международного кинофестиваля
1.05 Юмористическая программа
2.10 Х/ф «Воздушный бой»
3.40 Сериал «Линия огня»
4.20 «Цирковые династии. Феррони»

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!».
6:40 «Золотой ключ». Итоги тиража.
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Лесные путешественники». «Золушка». Мультфильмы.
8:00 Вацлав Дворжецкий, Георгий Милляр и Станислав Садальский в фильме «Полет в страну чудовищ». 1986г.
9:30 «Утренняя почта».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 «Комната смеха».
11:15 ПРЕМЬЕРА. Екатерина Архарова, Алла Каравацкая и Сергей Юшкевич в сериале «Частный детектив».
12:15 «Клуб сенаторов».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Наталья Гундарева, Борислав Брондуков и Евгений Киндинов в фильме «Вас ожидает гражданка Никанорова». 1978г.
15:00 «Взлеты и падения Мариса Лиепы».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17:00 «Субботний вечер».
19:00 ВЕСТИ.
19:20 «Честный детектив».
19:45 Футбол. Чемпионат мира. 1/4 финала. Прямая трансляция из Германии.
22:00 Джин Хэкман, Рэй Лиотта и Энн Бэнкрофт в авантюрной комедии «Сердцеедки» (США).
0:25 Джош Хартнетт в триллере «Одержимость» (США). 2004г.
2:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
3:00 НОЧНОЙ СЕАНС. Комедия «Бутик» (Франция). 2003г.

ЯКШАНБА 2

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Олтин мерос".
"Ёз – ўтомқда соз ":
8.45 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Синдрелла". Мультфильм.
10.35 "Саломатлик сирлари".
10.55 "Жиддий ўйин".
11.45 ТВ анонс.
11.50 "Ҳажвия бисотидан".
12.10 "Кўҳна оҳанглар". Тожибар Азизова.
12.35 "Ҳамон ёдимда. " 1-қисм.
12.55 ТВ анонс.
13.00 "Ҳамон ёдимда. " 2-қисм.
13.20 "Чинор остидаги дуэль". Бадиий фильм.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "50х50". Ток-шоу.
16.10 "Қизлар давраси".
"Болалар саййёраси":
17.15 "Олтин тож". Телеўйин.
17.50 "Қалпоқ". Ҳажвий кўрсатув.
18.20 "Оҳанглар оғушида".
18.25 "Олис осмон". Видеофильм.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оддий ҳақиқатлар".
21.00 "Таҳлилнома".
21.45 ТВ анонс.
21.50 "Заковат".
22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.55 "Анна ва қирол". Бадиий фильм. 2-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Анонслар.
8.05 "Мулан-2". Мультфильм.
9.15 Кинотақдим.
9.35 Кино SMS.
9.45 "Камолот" хабарлари.
9.55 Анонслар.
10.00 "Ватанпарвар" дастури.
11.00 "Journal" (инглиз тилида)
11.15 Якшанба нонуштаси.
11.45 Оҳанрабо.
11.25 Анонслар.
12.30 "Тақдир". Сериал.
13.15 "ЯНГИ КУН". Ахборот дам олиш дастури.
14.15 Анонслар.
14.20 "Кун тартиби". Озода Нурсаидова.
14.50 2006-Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саҳоват".
15.30 "Паловхонтўра!"
16.00 1500 сония...
16.25 Чемпион сирлари.
16.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/ 4 финал.
18.25 Талабалар шаҳарчаси.
18.45 Ёшлар куйлаганда.
18.55 Иқлим.
19.00 "Давр" ҳафта ичида.
19.35 Анонслар.
19.40 Ёшлик наволари.
19.50 Ватан ҳақида ўйлар.
19.55 Анонслар.
20.00 "Дилрабо". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собир Мўминов куйлайди.
20.30 "ЗЕРДА". Сериал. 2-қисм.
21.30 Мусиқий лаҳзалар.
21.40 CINEMANIYA.
22.00 "Мунис онам". Бадиий фильм.
23.10-23.15 Орзулар бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

"8.00-13.00 " гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.35 "O'bektelifilm" студияси намойиш этади: "Тошкент ҳайвонот боғи". Телевизион фильм.
18.50 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли. телесериал.
19.15, 20.55, 22.40 "Тв анонс".
19.20, 21.20 "Телекурьер маркет".
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 "Журналист таҳлили".
20.20 "Тв юрист".
20.25 "Туризм ҳақида". /рус/.
21.00 "Оқшом наволари".
21.30 "Нима учун?"
22.10 "Тв юрист".
22.15 "Сиз кутган учрашув".
22.45 "Аскар улуғ ном". Бадиий фильм премьераси.
2-қисм. /Хиндистон/.
23.55-24.00 "Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Непутевые заметки".
9.25 "Пока все дома".
10.10 "Фазенда".
11.10 "Қувноқ стартлар".
11.45 Мультфильм.
11.55 "Рақибингиз гроссмейстер".
12.15 "Джордж из Джунглей". Комедия.
13.50-14.35 "Аптека слушает".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тайм - аут".
20.00 "Вести".
20.20 "Ищейки из Бродвея". Худ. фильм.
21.30 "Талқин". Информационтаҳлилий кўрсатув.
22.00 "Ровесник".
22.20 Анонс.
22.25 "Дом с приколами". Комедия.
00.30 "Тунингиз осуда бўлсин!"

TV-MARKAZ

13.00 TOTAL NEWS (рус)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня «Мэри Поппинс, до свидания» 2-серия
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб)
17.20 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино
20.40 Мировые хиты
21.00 «ТОП-10»
21.30 Узбек наволари
22.00 Кино SMS-голосование: 1. «Миф» 2. «Гладиатор» 3. «Царство небесное»
24.00 Узбек наволари
00.30 ПРЕМЬЕРА!

ОРТ

5.00 Новости
5.55 Опасный рейс в остросюжетном фильме «Размах крыльев»
7.30 Служу Отчизне!
7.55 «Песни нашего двора. Территория свободы». Документальный фильм
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.25 Пока все дома
10.10 «Фазенда»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Великие династии: Долгорукие»
12.15 Комедия «Джордж из джунглей-2»
13.50 «Смешные люди»
15.20 «Новые песни о главном»
17.00 Времена
17.50 «Ералаш»
18.05 Комедия «Операция « С Новым годом!»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Премьера. Мартин Лоуренс в приключенческом фильме «Национальная безопасность» (2003 год)
22.15 Людмила Гурченко, Наталья Фатеева, Николай Трофимов в музыкальной комедии «Табачный капитан»
23.50 Суперчеловек. «Как стать мужчиной», 3-я серия
0.45 Дневник XXVIII Московского международного кинофестиваля
0.50 Лейтенант Коломбо в детективе «Убийство в Малибу»
2.30 Сериал «Линия огня»
3.10 «Короли смеха». Леонид Енгибаров
3.35 Пока все дома
4.15 «Шутка за шуткой».

РТР

5:00 Василий Шукшин в фильме Марлена Хуциева «Два Федора».
6:35 «Сельский час».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Грибок-теремок». Мультфильм.
7:35 Ольга Аросева в комедии «Гость с Кубани». 1955г.
9:05 Гала-концерт фестиваля музыкального творчества МВД России «Щит и Лира».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:50 Сергей Юшкевич в сериале «Частный детектив».
11:50 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12:15 «Парламентский час».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль №93». Сатирический тележурнал.
14:10 Петр Зайченко в комедии «Дзисай». 2004г.
16:00 «Последняя гастроль Джо Дассена».
17:00 ПРЕМЬЕРА. «Аншлаг и Компания».
19:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Илья Носков в фильме «Целуют всегда не тех». 2005г.
22:00 Дастин Хоффман, Шэрон Стоун, Сэмюэл Л. Джексон и Питер Койот в фильме «Сфера»
0:40 Ришар Берри и Шарль Берлен в комедии «15 августа» (Франция). 2001г.
2:35 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Телесериал «Гора» (США). 2004г.
3:15 Канал «Евроньюс» на русском языке.



BOLALAR Burchagi

Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!

G'anijon ERKAYEV.
Xorazm viloyati, Xazorasp tumani,
9-maktabning 4 «b» sinf o'quvchisi.

Marjona BOBOBEKOVA.
Toshkent shahar, 283-maktabning
2 «A» sinf o'quvchisi.

Dilorom AGZAMOVA.
Toshkent shahar, Uchtepa tuman,
109-maktabning 5 «A» sinf o'quvchisi.

«MEN GULCHA»

Men gulchaman, men gulcha,
Gullayverar ko'p g'uncha,
Yashayveraman so'lguncha,
Men qushchaman men qushcha,
Mayin ovozli bulbulcha,
Ko'kka parvoz etgum bor,
Dilni xushnud etgum bor,
Ota-onam orzusi,
Men katta qiz bo'lguncha,
She`r yozaman o'tirib,
Bir varaqni to'ldirib,
Otam xursand bo'ladi,
Onam asta kuladi,
Bulbulchaning navosi,
Dilda mayin havosi,
Men bo'laman hali katta,
O'qituvchi bo'laman albatta.

Iroda ERGASHEVA,
Toshkent viloyati,
Bo'stonliq tumani, Sijjak qishlog'i,
43-maktabning 6 «B» sinf o'quvchisi.

G'ulomjon DAVLATOV.
Xorazm viloyati, Xazorasp tumani,
9-maktabning 5 «g» sinf o'quvchisi.

КЕЛИН САЛОМ

Дилдан дилга йўл солган,
Кўнгилларга қўл солган,
Севги деган гул солган,
Парвардигорга салом!

Йигит-қизга бўй берган,
Соғинтириб қўй берган,
Севинтириб тўй берган,
Ул биру борга салом!

Ҳаммадан улуғ ёшш,
Бани башар қуёшш,
Кўкларга етгай боши,
Одам Атога салом!

Сози билан суйдирган,
Нози билан куйдирган,
Одам Атони ийдирган,
Момо Ҳавога салом!

Подшоларни қул қилган,
Гадоларни гул қилган,
Етти ётни эл қилган,
Буюк севгига салом!

Яратганга Расул бўлган,
Муборак зот-асл бўлган,
Изида бахт ҳосил бўлган,
Пайғамбаримизга салом!

Элимизнинг тиргаклари,
Кўзи очиқ, сергаклари,
Иймони бут эркаклари,
Чори ёрларга салом!

Жаннат йўлин ёруғ этган,
Қайғулардан фориғ этган,
Авлиёларга салом.
Анбиёларга салом!

Бахт юлдузи чарақлаган,
Пешонаси ярақлаган,
Фуқаросин сўроқлаган,
Карвонбошига салом!

Шаҳримизнинг бекларига,
Юраги ўт чўғларига,
Кўнглида кир йўқларига,
Кайвониларга салом!

Фарзандига бўй берган,
Қаламадан уй қурган,
Данғиллама тўй берган,
Қайнотасига салом!

Ўсма қўйиб ёш бўп қолган,
Нон кўтариб шошиб қолган,
Уйи тўлиб тошиб қолган,
Қайнонасига салом!

Қўшнимизда қиз бор деган,
Совчиларга тез бор, деган,
Ками бўлса, биз бор, деган,
Амаки, бувасига салом!

Бўйи узун минордай,
Елкалари чинордай,
Қоринлари қанордай,
Тоғажонига бир салом!

Гап қозони қайнаган,
Қошу кўзи ўйнаган,
Чечаларини қийнаган,
Аммасига бир салом!

Етмай қолса енг бўлган,
Пириларга тенг бўлган,
Сирлашганга кенг бўлган,
Холасига бир салом!

Шойи шалпар кийинган,
Акажоним деб куйинган,
Янгаси келиб суйинган,
Қайнсинглига салом!

Мўйловчаси ярашган,
Ори учун талашган,
Қизлар билан сўрашган,
Қайн укасига салом!

Меҳмоннинг уловига,
Отининг жиловига,
Соқолу мўйловига,
Кўсаларига салом!

Қолмайин деб назардан,
Келган нариги гузардан,
Бир-биридан ўзардан,
Гаштакчиларга салом!

Кўк чой ташиб югурган,
Паловдан гўштни урган,
Лаббай, хизмат, деб турган,
Хизматчиларга салом!

Салла ўраб керилган,
Дарвозада терилган,
Панд дуога берилган,
Иззатчиларга салом!

Тўй баҳона ярашган,
Дастурхон ёзиб қарашган,
Қудағай ким, деб сўрашган,
Ҳамсояларга салом!

Чархлар билан ўйнашган,
Сабзи, шолғом тўғрашган,
Гўшт суякни қийнашган,
Тахта, пичоққа салом!

Манглай уриб кирилган,
Икки тарафга сурилган,
Қулоч очиб керилган,
Остона, эшикка салом!

Эгасини бой қилган,
Анжомини шай қилган,
Ўғил кутиб чайқалган,
Қадим бешикка салом!

Бири биридан сулув,
Янгаларига салом!
Куёв тўралар сочган,
Тангаларига салом!

"Дамас"ини елдирган,
Акасига бир салом!
Қайниси миниб юрган,
"Тико"сига бир салом!

Бедачининг ўроғига,
Подачининг таёғига,
Чевар момо қуроғига,
Қўни-қўшнига салом!

Товлардаги бўрига,
Овчиларнинг тўрига,
Аммасининг эрига,
Хелу хештига салом!

Қайнисини қардошига,
Синглисини сирдошига,
Айтгувчининг бардошига,
Етти пуштига салом!

Қизлар йўлин пойлаган,
Сал мақтаса айнаган,
Шақир-шуқур қайнаган,
Самоварчига салом.

Қўшиғим қўшиқ, деган,
Томоғим тешик, деган,
Манам бир ошиқ, деган,
Сайроқ торчига салом.

Бекинишиб, чап қилманг,
Сўнг ортимдан гап қилманг,
Тилим ҳали чарчамас,
Яна кимга сўзим керак?

Келин бошин эгиб келди,
Сочи ерга тегиб келди,
Қоп кетганлар аразламанг,
Яна кимга таъзим керак?

Ҳаммангизни сийлаган,
Асал билан йилаган!
Булбул бўлиб куйлаган,
Сўзимгаям бир салом!

Яратгандан тиланчи,
Номи кетган ўланчи,
Шойи кўйлак илинжи -
Ўзимгаям бир салом!

Хосият БОБОМУРОДОВА

ОЛИСДАГИ ДИЛДОШИМ

Сизга мактуб ёздим...

Хаёлдаги бегим! Гарчи сизни кўрмаган бўлсам-да, кенг, нафис қалб эгаси эканлигингизни ҳис этаман. Сиздан олисларда яшасам-да, юрагингиздан кечган фикру-ўйларни мактуб аталмиш кўзгудан англаб оламан. Менга илк бор мактуб йўллаганингизда сизда ҳам шу ҳол кечгандир. Бир-биримиз томон оппоқ кабутарлар учираётганимизга ҳам минг йил бўлаяпти. Ҳали-ҳамон юрагингиздагини рўй-рост баён этишга журъат қилолмаяпсиз. Осмон қадар бўлган муҳаббатимизу, садоқатимизни ҳис этиб яшаяпмиз, холос. Нега! Ўзимизни ўзимиз бахтсизликка маҳкум этаяпмиз. Айтинг, нимага? Мактубингизни кутаман. Мактубингиз агар кечикса, минг бор ўлиб, минг тириламан. Сиз билан дийдор кўришмоқликни орзу қиламан. Бироқ ёнингизга боролмайман. Ҳаё-ю, андиша йўлларимда тоғ бўлиб қад ростлаяпти. Қушнинг қўш қаноти бор. Агар иккимиз жасоратни дилга жо этсак, бахтсизликни енгишимиз тайин.

Ҳаёт ғанимат, умр ўткинчи. Бу дамларнинг ҳар лаҳзаси азиз, бетакрор. Мактубларингизга кўз югуртираман, ундаги нурдан тоза тилаклар, алқашу-эркалашлар юрагимни самодан-да юксалтиради. Ҳаёт йўлларидан тойган кезларим, сизга таянсам, қоям бўлсангиз. Қани энди мен ҳам суянгувчи тоғ, ишонган боғингиз бўлсам. Бахтни қарангки, иккимизда фикр бирлиги мавжуд. Қанийди, икки кемтик дил бир кўнгилга айланса.

Олисдаги дилдошим! Юрак алдамайди дейдилар. Бахтим сиз эканлигингизни қатъий бир ишонч билан тасаввур қилаяпман. Бунинг учун мени ҳаёсизликда айбламанг. Бахт ўзидан ўзи келавермайди. Бахтни қидириб топмоқ керак. Сени топган бахт эмас, сен топган бахтинг қадрли бўлади. Бир-бирини кўрмасдан туриб севиб қолиш, айни ҳақиқат экан. Юрагимга кўзга кўринмас, бениҳоя гўзал, қордек беғубор илк бир туйғу оқиб кирди.

Бу илоҳий муҳаббат туйғуси. Қанийди, ёнингизда бўлсаму, сизни меҳрим уммонига кўмиб яшасам. Бешафқат ҳаётнинг яхшию ёмон кунида қўлингиздан тутганча дадил бирга қадам ташласам. Келажакнинг кўзгуси бўлган умидингиз ғунчаларини сизга туҳфа айласам. Полапонларимиз билан қувончдан масрур бўлган чоғингизда ёнингизда мен ҳам бўлсам. Сиз ҳаёт йўлларимни ёритгувчи Анваримсиз!

Ёлғизим, ёнимга келинг, сизга сиғиниб яшаш бахтига сазовор бўлай. Ҳоки-пойингизни олай...

МОҲИНГИЗ,
Сурхондарё вилояти.

МЕН СИЗНИ КУТАЯПМАН...

Тўйдан олдин кўркам йигит билан учраштиришди. Розилик бердим. Аммо тўйдан сўнг эса қаршимда турқу таровати бошқа одамни кўрдим. Устига-устак ақли заиф... Нима қилмоқ керак? Бошим қотди. Уйга қайтай десам, ота-онам, қўни-қўшнини ўйлайман.

Ўзимни мажбурлаб, не бўлса ҳам кўникиб яшамоқчи бўлдим. Лекин ёш, соф, жўшқин қалб, юрак бўйсунмади менга. 55 кунлик келинчак...

Ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлдим. Лекин уддасидан чиқа олмадим. Кекса момою жонкуяр қўшнилар, аммалар дардимга малҳам бўлишди. Мен яна ҳаётга қайтдим. Шу кунлари опам қўлимга "Оила ва жамият" газетасини тутқазди. Тошкент... Менда яна орзу пайдо бўлди. Шу газета орқали бахтимни топишимга негадир ишонардим. Олий ўқув юртига ўқишга кирдим ва газетага бахтимни излаб, эълон бердим. II-курсда ўқиб юрганимда мени Қаршидан Камол исмли йигит излаб топди, лекин биз телефонда гаплашдигу бир-биримизни кўрмадик. У ёзги таътилда Тошкентга излаб келганида мен 10 кунга уйга кетгандим. Биз у билан бир неча бор телефонда яхши, самимий гаплашдик. Камол, шундан буён негадир сизни кутиб яшамоқдаман. Бу орада 3-4 та йигитлар билан таништим ҳам, аммо бирининг характери, яна бирининг оилавий аҳволи сабаб ўзимга мос инсонни топа олмаяпман.

Ёлғизликдан зерикдим. Мана бу йил 3-курсни ҳам битирдим. Курсдошларим: "Тўй қачон?" деганидан безиб кетганимдан: "Бу йил ёзда", деб айтдим. Айтишга айтдим-у, ўйланиб қолдим. Қўрқаман, яна адашиб қолишдан. Мана шу июл ойида бир қарорга келиб олиб, таътилда оила қуришим керак.

Камол, биламан, бу газетани ўқиб борасиз! Шунинг учун сизни шу газета орқали қидираяпман. Агар оила қурган бўлсангиз, сизга бахт тилайман, агар ҳали ҳам мени кутаётган бўлсангиз овоз беринг. Менга хат ёзмоқчи бўлсангиз, таҳририят манзилига йўлланг.

Исмимни КУМУШ деб ёздим.

СЕНИ СОҒИНАМАН...

"Салом, мен учун ҳаммадан азиз бўлган, қалбимнинг тўридан чуқур жой эгаллаган, армонли муҳаббатимнинг сабабчиси бўлган севгилим Улуғбек!

Билмадим, бугун мен сенга нечанчи бор хат ёзаётирман. Сабаби сенга ҳар куни хат ёзаман. Юрак орзиқади, иложсиз мактуб битаман, лекин сенга ёзган мактубларимни қўлларим бағритошлик ила йиртиб ташлайверади... Шу боис ёзган дил номаларим сенга ҳеч қачон етиб бормаса керак.

Сени учратган куним эсимга тушса, юрагим қалқиб тушади. Кўзларингга қарадим-у, кўзимни ололмай қолдим. Сенинг кўзларингда қандайдир бир маъно мужассамдек эди. Балки кўзларингда сеҳр-жоду бордир?..

Кейинчалик сеҳрланиб қолган нарсам муҳаббат эканлигини англадим. Мен севги домига илинган эдим. Бу севги мени қанча вақт ўз гирдобида айлантиришини билмайман. Мен севиб қолганлигимни сенга айтишни жудаям истардим. Инсон кимнидир севиб қолиб, унга севгисини айтолмаса бу - нақадар азоб!

Мен юрак ютиб сенга мактуб битмоқдаман. Лекин сенинг бошқа қизни севишингни, у билан бахтиёр эканлигингни биламан. Сенга қараб, бахтиёрлигингни кўриб, юрагим таскин топади, лекин ёнингдаги қизга қараб, кўзларимга ёш келади. Мен у қизга бир томондан ҳасад қилсам, бир томондан ҳавас қиламан. Ҳар қандай вазиятда ҳам, юрагим уришдан тўхтамас экан, сени севишда давом этаверараман. Сени унутишни истайман-у, лекин унутолмаяпман. Айт, сени унутиш учун нима қилай?! Нима қилсам, сени юрагимдан суғуриб ташлай оламан?! Одамларнинг севгиси билан фахрланишини кўриб, ҳайрона боқаман. Мен севгим билан фахрлана оламиканман? Менимча йўқ. Сабаби менинг севгим фақат бир ёқлама севги. Балки мактубимни ўқиб, уни менсимайгина бир чеккага қўярсан. Балки мени ёмон кўриб, севишимни таъқиқлаб қўярсан. Лекин шуни билгинки, ҳеч кимга, ҳеч қачон бўйсинмаган юрагим, сенинг таъқиқлашингга бўйсинармиди?! Севги буйруққа эмас, туйғуга бўйсунади. Севги бобида буйруқбозлик бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди. Бу фақат ёлғиз менинггина севгим!

Ҳаётимдаги севги боби, севги саҳифаси армонли муҳаббатга айланиб, тугалланмай ярим йўлда қолиб кетди. Энди мен умрим поёнигача армонли муҳаббатни қалбимда асраб хаёлан сен билан бирга яшайвераман. Биргина хаёл туфайли яшайман, ахир хаёлан сен билан бирга бўламан-ку. Шунинг ўзи менга кифоя. Мактубимни якунлар эканман, қўлларим қалтирай бошламоқда. Балки қўлларим, сенга ёзган мактубимни тугатишни истамаётгандир...

Сени соғинаман, руҳда йўқ қарор,
Ошибки тоғ-довон, ошибки ҳижрон.
Дардим бор, гулим бор,
қўшиқларим бор,
Наҳотки сен йўқсан, бу - мангу армон!"

Дилбарнинг мактубини таҳририятга Дилором ҚОЛМУРАТОВА йўллади. Қ.Қ.Р. Кўнғирот шаҳри, З.М.Бобур кўчаси, 208-уй.

ҚИССАДАН ҲИССА

Бу воқеа Андижон шаҳридаги "Янги бозор"да бўлиб ўтди. Бозорнинг ёнгинасидаги ҳовлиларнинг бирида Умидахон ая исмли аёл яшайди. У эридан тул қолиб, беш фарзандни улғайтиряпти. Болаларим ўксимасин дея, одамларнинг кирларини ҳам ювди, энагалик ҳам қилди.

Умидахон ая пулни жуда тежаб-тергаб сарфлайди. Нима керак бўлса, унинг ўзи дарров бозорга чиқади-да, иложи борича арзонроғидан олиб қайтади. Кунларнинг бирида у шундоққина бозор дарвозаси олдига тўхтаб, чой торттириб олдида, сотувчига 500 сўмлик пул узатди. Сотувчи унга 300 сўм қайтариши керак эди. Лекин у қилавер.

Кунлар ўтиб, Умидахон ая бу воқеани унутиб ҳам юбораёзди. Лекин сотувчи йигит иш жойида кўринмай қолди. Умидахон ая уни бironта ўқишга жойлашиб олгандир, деди қўйди. Аслида воқеа бундай бўлган экан:

Сотувчи йигитнинг исми Шерзодбек эди. У уйқуга ётиши билан кўзига илонлар кўринадиган бўлиб қолибди. Кўзи пинакка кетар-кетмас "вой!" деб бақирганича, ўрнидан туриб кетаркан, уйқу жойида бўлмагач, уч ойда озиб чўп бўлиб кетибди. Ота-онаси уни касалхоналарга, табибларга бошлаб бориб даволатибди. Фойдаси бўлмагач, ўқитиб юборишибди. Охири фолбинга олиб боришибди. Фолбин узоқ ўйланиб шундай дебди.

ПУЛГА ТЎЙМАГАН БАНДА



- Бу ўғлимиз, онасини ноҳақ хафа қилиб қўйибди. Ундан кечирим сўраса бас, тузалиб кетади.

- Бу йигитнинг онаси менман,-дебди савдогар хотин. - Мени хафа қилгани йўқ.

- Бўлмаса ўйлаб кўринглар. Мен бошқа ҳеч нарса дея олмайман. Ўйлаша-ўйлаша охири Умидахон аянинг бир вақтлар чақалоққа озгина бўлса-да энагалик қилганини эслашибди. Шерзодбекни унинг уйига бошлаб боришиб, фолбиннинг гапини айтишибди.

- Мени хафа қилгани рост,-дебди Умидахон ая. - Лекин ўтган ишга саловат. Минг марта кечирдим. Менга ўзимнинг ҳаловатдан топган уч юз сўм пулимни қайтариб берса бас.

Шерзодбек чин юракдан кечирим сўраб, Умидахон аянинг пулини қайтариб берибди. Мўъжизани қаранг-ки, у ўша кундан эътиборан тиниб ухлай бошлабди.

Бу воқеадан хулоса шуки, гўдакка бир кун бўлса ҳам энагалик қилса одам, унга она ўрнида ўтиб қоларкан. Етимларнинг ҳақи эса пулга тўймаган очопатларга илон-чаён бўлиб кўриниб, тинкасини қуритар экан.

Комилжон НИШОНОВ

БИЗ ЕТОЛМАГАН БАХТ...

Мен Адиба билан тасодиф туфайли танишдим. У жуда ҳам чиройли, қоп-қора шаҳло кўзлари кишини ўзига ром қилар, ширин сўзлари эса сеҳрлаб олишга қодир эди.

Лекин минг афсуски, бахт уни сийламабди. Ҳозир иккинчи турмуш ўртоғим билан яшаяпман,-деб гап бошлади у. - "Биринчи бахтим ой бахтим, иккинчи бахтим сувларга оқдим", деганлари рост экан. Собир акам билан ажрашгач, бошқа турмуш қурмайман, дегандим. Аммо ҳаёт экан, танишларимнинг қистови билан иккинчи марта турмуш қурдим. Фарзандим оталик, мен эса бош эгалик бўлдик. «Мен Тошкентда яшайман»,- дегани учунгина турмушга чиқдим. Тошкентда яшасам ҳаммаси унутилади, дегандим. Қани эди Собир акам билан яшаганимизда... бутун умр бир хонали уйда қаттиқ нонни сувга ботириб есам ҳам, мендан бахтлироқ одам бўлмасди. Шунда ҳам ҳаётим лаззатли бўларди. Ўғлим ҳам отаси билан яшарди.

Биласизми, бу турмуш ўртоғимни ҳатто рашк ҳам қилмайман. Менга нисбатан ҳурмати жуда баланд. Шу меҳр туфайлигина мен у билан яшаяпман. Унинг ҳурматини жойига қўяман, эъзозлайман. Аммо... Ҳурмат бошқа, севги бошқа экан...

- Собирни шунчалик севар экансиз, нега ажрашдингиз? - дейман.

- Эҳ, бунинг тарихи узун, - дейди Адиба. - Майли, айта қолай, зора бизнинг қисматимиз, менинг изтиробларим ўзгаларга сабоқ бўлса...

Мен аммамнинг ўғлига турмушга чиққандим. Оппоқ либос кийган куним, дунё кўзимга янада гўзал, янада жозибали кўринди. Биз бахтли эдик. Оллоҳ бандасига бир мартагина ишқ бераркан. У менинг биринчи ва сўнгги севгим эди. Мен шу бахт туфайли шод эдим. Собир акам ҳам мени севарди. Биз бир ойгина бахтли яшадик. Ёзги таътилнинг охирларида тўйимиз бўлган бўлса, унинг ўқиши, менинг ишим туфайли биз ўз йўлимиздан кетдик.

Собир акам ўқишга кетаётиб: "Адиба, сени кўзим қиймаяпти, хаёлим сен билан", - деди-да, Тошкентга ўқишига кетди. У ўқишни битказгандан сўнг мени ҳам Тошкентга олиб кетмоқчи эди. Аммо меҳр кўзда экан. Тошкент узоқ бўлганлиги учун у 3-4 ойда бир келарди. Мен қайнона, қайнота хизматини қилиб, мактабда ишлаб юрардим. Ҳар куни уни кутиб яшардим.

Шу орада юрагим остида яна бир жажжигина юракча ура бошлади. У сўнгги марта келганида атиги 3 кун турди. Шу уч кун ичида менга қиё ҳам боқмади. Бир оғиз гапирмади ҳам. Ота-онаси билан баҳслашишар, мен келиб қолсам, суҳбат тўхтарди. Унинг виждони қийналаётганлигини сезиб турардим. Аммо: "Нима учун?" деган саволимга жавоб тополмас, ундан сўрашга эса ботинолмасдим. У кетди.

Кунлардан бир куни Тошкентда Собир акамнинг хотини борлигини эшитиб қолдим. Мен тамом бўлдим. Уйга қандай етиб келганимни билмайман. Қайнонам жигарим, энг яқин кишим, аммам. Мен ундан ҳақиқатни сўрадим. У мени қучоқлаб, йиғлаб юборди. "Адибажон, отангнинг олдида юзи қаро бўлдим. Мени кечир", - деди. Бизларни кузатиб турган қайнотам: "Собирни қандай жин урди, билмайман", - деб кўзларига ёш олди.

Кун ботиб борарди. Мен аламимга чидолмай, югуриб кетдим. Югуриб бораяпману, отамнинг сиймоси кўз ўнгимдан кетмайди.

"Отажон! У нега бундай қилди? Нега тақдиримиз айро тушиши керак? Ундан умидим шумиди? Сиз тирик бўлганингизда бундай бўлмасмиди? Отажон!" - дердим.

Қандай қилиб қабристонга бориб қолганимни билмайман. Отамнинг қабри устида узоқ йиғладим. "Отажон, орзуларим кўп эди. Биз Тошкентда яшамоқчи эдик", - деб нола қилардим. Ўша куни осмон ҳам менга қўшилиб йиғлади. Акам мени қидириб топмагунча, отажоним қабри ёнида қолдим.

Аммам: "Ноумид шайтон, иложини топармиз", деб яллиниб-ёлворди. Мен уйимда яна умид билан яшай бошлаганимда, Собир акам ажрашиш ҳақида судга ариза берган экан.

Бир куни Собир акам келди. У мени четга чақириб: "Адиба, мени кечир. Орзуларинг кўп эди, мен орзуларингни асрай олмадим. Сенинг севгингга нолойиқман. Сен доимо юрагимда яшайсан... Асло сени унута олмайман..." - деди. У менинг кўзларимга тик боқолмас, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек эди. "Нега ундай қилдингиз?" - дея аччиқ-аччиқ йиғладим. Унинг кўксига сўнгги бор бошимни қўйгим келди, аммо журъатим етмади. Лабларим ўзимга бўйсунмай шивирлади: "Мен сизни севаман, юрагимнинг туб-тубида мангу яшайсиз, Собир ака!".

Собир акам мастлик туфайли бир қизнинг номусига тегибди. У қиз курсдоши бўлиб, таниқли кишининг фарзанди экан. Ҳатто ҳомиладор бўлиб қолибди. Қандай қиз эканки, уйланган ширакайф эркакка ихтиёрини топшириб қўйса?

- Унга уйланмасам, мени судга беради. Ўқишимдан ҳам айриламан, қамаламан. Адиба, ажрашишимиз керак. Мени севсанг, индама, тинчлик билан ажрашайлик. Бир кун келиб сен ҳам бахтли бўларсан. Фақат мени қарғама, - деди.

Эртаси куни иккимиз судга бордик. У мени шунчалик меҳрибонлик билан етаклаб юрдики, мен у билан ажрашаётганимга ишонмасдим. Уни ҳеч кимга бергим келмасди. Аммо мен жонсиз ҳайкалга айлангандек эдим. "Кўз ёшларимни у кўрмаслиги керак, мард бўлишим керак", - дердим ўзимга ўзим. Қўлимизга ажрим қоғозини беришди. Биз Тошкент бекатига бордик. Иккимиз хайрлашдик. У жўнаб кетди. Қалбимдаги сўнгги умид ҳам чирт этиб узилди. Қолган умримда мен уни йўқотдим.

Қандай қилиб бекат яқинида турадиган холамникига бориб қолганимни билмайман. Холам эшикни очди. "Хола!" - дедиму бошқа сўз айтолмадим. Барча аламларим кўз ёши бўлиб тўкила бошлади. Холам мени овутишга ҳаракат қилган сайин аламим ортиб борарди.

"Ҳамма нарсанинг давоси вақт", дейишади. Бу рост экан. Мен ҳам ҳаммадан-ҳаммасига кўникдим. Ўғлим ҳам туғилди. У улғайган сайин отасига ўхшаб борарди. Менинг ёнимда унинг юрагини бир парчаси тураркан, мен уни қандай унутай?..

Бу изтиробларга чидолмай қайнона, қайнотам ҳам бу оламдан ўтиб кетишди. Мен ҳам бошқа турмуш қурдим. Бу эримдан ҳам битта ўғлим бор. Қанча кунлар ўтди, қанча сувлар оқиб кетди.

Собир акам бир куни акам билан учрашиб қолибди. Иккиси шунча гаплардан кейин биринчи бор суҳбатлашишибди. У мени ва ўғлини сўрабди "Адиба бахтлими?" - деб сўрабди. Акам: "Ҳа, бахтли. Икки ўғилнинг онаси, турмуш ўртоғи ҳам уни ҳурмат қилади", - дебди. "Бахт уни тарк этмасин", - дебди. У бахтли эмасмиш, уйида ҳузур-ҳаловат йўқмиш. Ҳатто хотини, фарзандлари ҳурмат қилмасмиш. Буларни эшитиб, мен унга астойдил ачиндим. Мен уни ҳеч қачон қарғамаганман. Доимо кўзимда ёш билан бахт тилаганман. Лекин севги уни қарғаган, бахт ундан ранжиган. Ота-она норизо бўлган. Қариндошлар орасига совуқчилик тушган. Қўлидаги бахтнинг қадрига етмагани учун бахт ундан юз ўгирган. Аммо биласизми, тақдиримизда бор экан-да бунинг учун у айбдор эмас...

Мен унга бахт тилайман... Биз етолмаган бахт...

Адибанинг дил сўзларини Зулфия САМАДОВА оққа кўчирди.

Дил изҳори

АРМОНЛИ ДУНЁ

Бу нигоҳларга дош бериш азоб. Митти қорачиқлардаги ҳайрат, атрофдагиларга қизиқиш билан боқадиган маъсума қиёфа яна рўпарамда турибди:

- Лола, қўлингдаги нима? - оҳиста сўрайман ундан.

Сал қаттиқроқ сўраб қўйсам, кабутардек пириллаб учиб кетадигандек чўчийман. Рости, у билан тўйиб суҳбатлашгим, бижилдоқ тилидан чиқадиган болдек сўзларини тинглагим келади.

- Нон-ку, - дейди бийронча.

- Вой, нонингга лой тегибди-ку, асал қиз, кел артиб бераман.

- Йў-ўқ, - дейди қизалоқ худди мен бурда нонини тортиб оладигандек орқага тисарилиб.

- Майли, майли, - дейман уни юпатиб, - ўзинг артиб олақол.

Лола енги билан нонини артган бўлади. Кичкинагина қулча юзи ҳам ювилмаган, қўнғироқ сочлари пахмайган, оёғидаги резина этикчасининг йиртиғидан пайпоқсиз бармоқчаси кўриниб турибди. Лой сачраган этагининг чоки сўкилган, ранги униққан нимчасининг ўртасида биттагина тугма лиқиллаб турибди. Қизалоқнинг абгор кўриниши вужудимни ўртаб юборди, беихтиёр сандиғимдаги барқут кўйлакча, айиқчанинг расми туширилган туфлича ёдимга тушди. Югуриб кириб олиб чиқсам-у, Лоланинг эгнига илсам, ширин юзларини ювиб, этагим билан артиб қўйсам! Ўз хаёлимдан ўзим хавотирга тушдим. Бултур худди шу қизалоқнинг акаси қаҳратон қишда ҳам орқаси йиртилган калиш судраб юрганди. Уни кўриб, раҳмим келиб кетарди. Ҳали ўқишга бормаган болакай тинимсиз кўчадан сув таширкан, совуқ жонидан ўтиб кетарди. Қўлидаги иккита сирли човгум билан муз устида сирпаниб кетгани кўз олдимдан кетмайди. Ерга йиқилиб иштончаси шалаббо бўлди, кўзлари ёшланди. Қўлимдаги аҳлат челакни қорга отиб, болани турғазишга шошилдим. Юпатиб, човгумларини қўлига тутдим-да, дарвозасидан киритиб юбордим. Бечора болакай кўркибгина уйга кириб кетди.

Бироздан кейин Соранинг ҳовлидан бақиргани эшитилди:

- Худоё, жувонмарг ўлгур, човгумнинг сирини кўчирибсанку! Ўзингни битта човгумга олмайди, текинтомоқ! Оғзингдан қонинг келгур, отангга ўхшамай ўлгур!

Қўлимдаги челакни беҳол ерга қўйдим-у, устунга суяниб қолдим. "Ё, Парвардигор, шу бола менинг болам бўлиб қолса эди! Э карами кенг Аллоҳим, шуларга берган болани менгаям раво кўрсанг нима қиларди?!" - мижжаларимдан сизиб чиққан ёш томчилари лабимни ачиштирди. Кўксимдаги нидо кўз ёшларим бўлиб этагимга оқаверди, оқаверди...

Ўз хаёлларим билан бўлиб, қайнотамнинг эшикдан кириб келганини ҳам сезмабман. "Болам, ким хафа қилди сени?" - деганларида ҳушимга келдим.

- Отажон, хавотирланманг, - дея олдим зўрға.

Сўнг уларни хижолатга қўймаслик учун ҳам дарров ўзимни тикладим. Сорадан нафратландим шу топда. Унинг ҳовлисидан ҳануз болакайнинг бўғиқ йиғи товуши эшитилиб, дилимни сиёҳ қиларди. Эртаси куни яна ўша руҳда бозорга бордим, бир жуфт чиройли этикча сотиб олдим. Ниятим болани қувонтириш эди, аммо орқа-олдини ўйламай иш қилган эканман. Ўша этикни олиб чиқиб, ўзимгагина эмас, оилам шаънига ҳам иснод келтирганимдан ҳалиҳануз юрагим оғрийди.

- Илоё, гўрингга қўй этигингни, иримчи! Менинг болам кўчада қолгани йўқ, бедов! - деганича баттол Сора этикчаларни девордан улоқтирди.

Қаттиқ азият чекдим. Қайнотам:

- Бу ишни чакки қилибсан, болам. Имонсиз, яхшиликни билармиди?, - дедилар.

"Уни яхши ният билан олиб қўйгин", деганларида уйга кириб унсиз фарёд қилдим...

Шу топда Лолани ясатгим келди-ю, аммо ўшандаги ҳолатим эсимга тушиб, хаёлимни чалғитишга уриндим. Ҳар хил кўнгиллар бўлар экан...

Соранинг ўзи ҳам, эри ҳам ҳали ёш, эндигина иккита фарзандлари бор, ота-онасининг уй-жойи уларга мерос. Молхонаси тўла молу, ейиш-ичишининг тайини йўқ. Сора маҳалла-кўйга ҳам унчалик қўшилмайди.

Эҳ, ҳаёт мураккаб экан. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари рост. Кумушдек қизалоғиму, қўзичоқдек ўғлонимни тупроқ қучди. Дилим аламдан қуйди. Бола исига зорман. Кўча-кўйда абгор ҳолатда юрган болакайларни кўрсам хўрлигим келади. Эҳ, Сора, Сора... Бир нима десанг, "Ташланганга тош тегмас, болага меҳр қўйиб бўлмайди", деб кўксингга наштар санчади.

Кўзлари мунчоғим, болажоним, мен сени қўлларимдан қўймасдим, жаннат ифори анқиган сочларинг, ҳайрат тўлган нигоҳларингга муҳрланиб қолар эдим мен. Мен сен билан тушларимда беҳиштда етаклашиб юраман доим. Мен сени ҳар сония соғинаман, қалбим ардоғи!

Мен учун армонмисан, дунё?! Тушимдаги олий бахт ўнгимда ҳам насиб этармикан?!

НАСИБАнинг дил дардини оққа кўчирувчи Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА, Гулистон шаҳри.

АСАЛАРИ УЯСИДАГИ МАЛҲАМЛАР

Бир бободан ёдгорлик

(Давоми, боши ўтган сонда)

Газетамиз саҳифаларида асал ва прополис(асалари муми)нинг шифобахш хусусиятлари ҳақида кўп маротаба мақолалар берганмиз. Аммо асалари уясидаги минг дардга даво малҳамлар фақат шулардангина иборат эмас. Ўтган сонда сиз перга(асаларичиларнинг уясига гул чангидан тўплаган, асал билан аралаштирилган овқатлари) ва гулчанг(пыльца)дан қайси касалликларни даволашда фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги маслаҳатларни билиб олгандингиз. Бугун эса асалари сути ҳамда апитоксинотерапия(асаларига чақтириб даволаниш) муолажалари ҳақида ўқийсиз.

ДАРДГА ДАВО АСАЛАРИ СУТИ

Асаларилар тухумдан чиқадиган ўз болалари учун катаклар орасини оқиш-шаффоф рангли, қуюқ елимшак модда билан тўлдиришади. Ана шу модда "асалари сути" деб аталади. Унинг таркибида тирик организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча моддалар, яъни оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, аминокислоталар, микроэлементлар, ферментлар, асаб тизимини мустаҳкамловчи бирикмалар, гамма-глобулинлар бўлади.

Шу боис имконияти бўлса, асаларичилардан катакдан олинган янги сутни, ёки дорихоналардан асалари сути асосида тайёрланадиган "Апилак" таблеткалари ва суртма дориси(мазь)ни сотиб олинг ва муолажада фойдаланинг (бундан кейинги ўринларда "сут" дейилганда асалари сути назарда тутилади). Фақат ёдда тутинг: Аддисон касалига чалинган, асалга аллергияси бор, ўткир юқумли касалликлар билан оғриган, буйрак касалликлари бор беморларга асалари сутидан муолажа учун фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек, уни кечқурун истеъмол қилиш уйқусизликка сабаб бўлиши мумкин.

Ўткир респиратор касалликларида кунига уч маҳал сут билан асалдан 2:100 миқдорда тайёрланган аралашмадан бир чой қошиқни тил тагига ташлаб сўриш керак. Муолажа 1-2 ҳафта давом этади.

Ангина, фарингит, ларингит, тонзилит, гингивит, пародонтоз ва стоматитда ҳар куни 2-3 марта сут ва асалдан 1:100 миқдорда тайёрланган аралашмани дистилланган ёки фильтрдан ўтказилган сувда эритиб, оғиз ва томоқни чайиш керак. Сўнг шу аралашмадан милк ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасига суртиш тавсия этилади. Муолажани умумий ҳолат яхшилангунча давом эттириш лозим.

Шамоллашнинг олдини олиш ва организмнинг касалликларга қаршилигини ошириш учун кунига бир-уч марта овқатланишдан ярим соат олдин 1/2 чой қошиқ сут ва асал аралашмасини тил тагига ташлаб сўринг. Аралашма 1:100 миқдорда тайёрланади ва муолажа умумий ҳолат яхшилангунча давом эттирилади.



Бронхиал астма ва астматик бронхитда ҳар куни бир марта 2-3 дона "Апилак" таблеткасини тилнинг тагига ташлаб сўриш керак. Фақат бундан олдин бирорта шифобахш минерал сувдан ярим стакан ичиб юбориш зарур.

Ишемия, стенокардия ва миокард инфарктда ярим килограмм тоза асалга 2 чой қошиқ сут қўшиб, аралашма тайёрлайсиз. Ҳар куни уч маҳал ана шу аралашмадан бир чой қошиқни тилингизнинг тагига ташлаб шимиб юрасиз. Агар аралашма тайёрлашнинг имкони бўлмаса, ҳар сафар 2 донадан "Апилак" таблеткасидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари кунига уч марта дўлананинг дорихонада тайёрланган дамламасидан бир ош қошиқдан ичиб туриш керак. Бунда овқатдан олдин ёки кейинлигининг аҳамияти йўқ. Муолажанинг давомийлиги 3-4 ҳафта. 10 кунлик танаффусдан сўнг яна такрорлаш мумкин. Натижада дарднинг хуружлари камаяди, оғриқ йўқолади, муолажани бошлаганингиздан 10-15 кун ўтиб эса нитроглицирингга ҳожат сезмайсиз.

Гипертония(артерияда қон босимининг ошиб кетиши)да шифокор буюрган асосий муолажага қўшимча равишда кунига икки марта бир донадан "Апилак" таблеткасини тил тагига ташлаб сўриб юриш керак. Муолажа давомийлиги 3-4 ҳафта.

Гипотония(артерияда қон босимининг пасайиб кетиши)да ҳар куни уч маҳал тилнинг тагига 2-4 донадан "Апилак" таблеткасини ташлаб, шимиб юриш керак. 2-3 ҳафталик муолажадан сўнг 10-14 кун танаффус қилиб, яна такрорлаш зарур.

Қон томирларининг қисилиши(спазм)да қуйидагича муолажа тавсия этилади: сут ва тоза асалдан 2:200 миқдорда аралашма тайёрлайсиз. Ҳар куни уч маҳал овқатланишдан ярим соат олдин ана шу аралашмадан ярим чой қошиқни тил тагига ташлаб сўрасиз. Бевосита овқатланиш олдидан эса сутнинг 1:2 миқдорда арақда эритилган эритмасидан 10-15 томчи ичиш керак. Муолажа 30 кун давом этади.

Неврастения, жазава, юрак неврозида, бош мия яллиғланиши (энцефалит)дан кейин кунига икки-уч марта овқатланишдан ярим соат олдин 1/2 чой қошиқ сут ва асал аралашмасини тил тагига ташлаб сўринг. Аралашма 1:100 миқдорда тайёрланади ва муолажа 3-4 ҳафта давом эттирилади. Сўнг бир ҳафта танаффус қилиб, яна такрорлаш тавсия этилади.

Ошқозон ва ўн икки бармокли ичак ярасида ҳар куни уч марта овқатланишдан 10 дақиқа олдин ярим стакан "Боржоми" ёки бошқа бирорта минерал сувдан ичинг. Бевосита овқатланишга ўтирган пайтингиз эса сут ва тоза асалдан 2:100 миқдорда тайёрланган аралашмадан 2 чой қошиқдан тил тагига ташлаб сўриш керак. Муолажанинг давомийлиги 15-25 кун.

Сурункали гепатит ва жигар циррозида 2 ош қошиқ сутни 3-4 қошиқ тоза асал билан аралаштиринг ва ҳар куни эрталаб овқатланишдан бир соат олдин тил тагига бир чой қошиқда ташлаб, тўлиқ эриб кетгунча шимиб туринг. Муолажани 3-4 ҳафта давом эттириш тавсия қилинади.

Оёқ бўғинлари артрити(яллиғланиши)да кунига икки марта - эрталаб ва кечқурун десерт қошиқда олинган сутни тил тагига ташлаб сўриш керак. Муолажа давомийлиги 10-20 кун.

Тузалиши қийин бўлган яраларда сут ва спиртдан 1:2 миқдорда олиб, эритма тайёрлайсиз ва у билан яраларни ювасиз. Сўнг 1:1 миқдорда сут ва тоза асалдан тайёрланган аралашмани дистилланган сувда эритиб, ярага сурасиз ва боғлаб қўясиз. Яра тўлиқ тузалиб кетгунча кунига икки маҳал муолажани давом эттирасиз.

Паришонхотирлик ва склерозда кунига уч маҳал овқатланиш олдидан сутнинг 1:2 миқдорда арақда эритилган эритмасидан 10-15 томчи ичиш керак. 10-15 кунлик муолажадан сўнг, бир ой мобайнида кунига эрталаб оч қоринга сутнинг тоза асал билан 2:100 миқдорда тайёрланган аралашмасидан бир чой қошиқни тил тагига ташлаб сўринг. Кун давомида эса бир стакан сувда бир ош қошиқ тоза асални эритиб, унга бир чой қошиқ олма сиркаси қўшиб ичиш зарур.

Ревматик полиартрит ва асаб тизимининг бошқа касалликларида сут ва арақдан 1:20 миқдорда тайёрланган эритмадан кунига уч маҳал овқатланишдан бир соат олдин тил тагига 10 томчидан томизиш керак. Эритма тайёрлашнинг имкони бўлмаса, ҳар сафар 2-3 таблетка "Апилак"ни тил тагига ташлаб шимиса ҳам бўлади. 30 кунлик муолажадан сўнг икки ҳафта дам олиб, яна такрорлаш зарур. Йил давомида муолажани 3-4 марта ўтказиш тавсия этилади.

Милклар ва оғиз бўшлиғи касалликларида сут ва арақдан тенг миқдордаги аралашма тайёрлаб, бир чой қошиғини оғизга солиб, тўлиқ эриб кетгунча ушлаб туриш керак.

Тиш оғриғида тенг миқдордаги сут ва арақдан тайёрланган аралашмадан тоза пахта бўлагига шимдириб, оғриётган тишга босинг.

Отит(қулоқ яллиғланиши)да тенг миқдордаги сут ва арақдан тайёрланган аралашмадан тоза бинт бўлагига шимдириб, қулоқ тешигига тиқиб қўйиш керак. Уч соатдан сўнг уни олиб, пропаснинг дорихонада тайёрланган 30 фоизли спиртли настойкасига ботириб, яна уч соатга қулоққа тиқиб қўйинг. Муолажани 1-2 ҳафта давом эттириш керак.

Тери касалликлари(псориаз, нейродермит, дерматит, экзема)да кунига икки-уч марта терининг яра бўлган жойларига асалари сути асосида тайёрланган "Апилак" мазидан суртинг. Бундан ташқари кунига уч маҳал тилингиз тагига бир донадан "Апилак" таблеткасини ташлаб сўриб юринг. Муолажа 10-14 кун давом этади. Бир ҳафталик танаффусдан сўнг уни яна қайтариш керак. Йил давомида жами 3-4 марта муолажа ўтказиш тавсия этилади.

АСАЛАРИ ЗАҲАРИ - ШИФО

Ишчи асаларилар ўзларини ва оилаларини душманлардан ҳимоя қилиш учун асосий қуроллари - заҳарларини(ёрқин жигаррангли қуюқ, ўткир ҳидли модда) ишга соладилар. Мазкур заҳарнинг одамлар учун аҳамиятли ва фойдали жиҳати шундаки, унинг таркибида биологик фаол воситалар: пептидлар, оқсиллар, аминокислоталар, чумоли ва туз кислоталари мавжуд. Тухумдан чиққанига 15-18 кун бўлганда ишчи асаларининг танасида заҳар энг кўп миқдорда йиғилган бўлади. Айнан шу пайтда улардан апитоксинотерапия, яъни асаларига чақтириб даволанишда фойдаланилади.

Асалари чақиши қуйидаги дардларга даво: **ревматизм касалликлари, юқумли полиартрит, периферик асаб тизими касалликлари, тромбофлебит(қон қуюлиши оқибатида вена томирларининг яллиғланиши), эндартериоз, атеросклероз, бронхиал астма, мигрен, гипертония.**

Асаларига чақтириб даволаниш қуйидагича амалга оширилади: ишчи асалари оғриётган жойга қўйилади. У дарҳол танага нишини санчади. Энг муҳими асалари бунинг учун игна билан даволашда қўлланиладиган нуқталарни танлайди. Кейинги чақтириш эса бир суткадан сўнг бажарилади. Бунда биринчи нуқтадан бир-икки бармоқ четроқдаги жой танланади. Агар дастлабки куни битта асаларига чақтирилса, иккинчи куни иккита, учинчи куни учта тарзида жами бешта бўлгунча муолажа давом эттирилади. Сўнг танага бир-икки кун дам бериб, муолажа тескари тартибда такрорланади. Яъни энди биринчи куни бешта, иккинчи куни тўртта ва ҳоказо тарзда чақтирилади. Шундан сўнг беморга икки ҳафта дам берилиши шарт.

Апитоксинотерапияни, асалари заҳрига аллергиянгиз йўқлигини аниқлаб олгач, мутахассис назорати остида ўтказиш керак. Асалари заҳари билан даволаниш кунлари сутли-кўкатли пархез сақлаш, спиртли ичимликлар ва аччиқ таомлардан мутлақо воз кечиш, кучли жисмоний машқлар ва меҳнатдан, чўмилишдан сақланиб туриш тавсия этилади. Овқатланишдан 2-3 соат ўтиб асаларига чақтириш ҳамда сеанс якунида ярим соат ётиб дам олиш зарур. Чунки асалари заҳари таъсирида қон босими пасайиб кетиши мумкин.

ЭСЛАТМА: апитоксинотерапия ўткир юқумли касалликлар билан оғриган, лейкемия (оққон)га чалинган, юрак-қон томир тизими фаолиятининг бузилиши кузатиладиган беморларга ва ҳомиладор аёлларга таъқиқланади.

ДАРМОН тайёрлади.

БАЛХТУТ ВА ШОТУТ

Ўлкамиз неъматларга бой. Шулардан бири оқ тутдир. Уни яна қилиқ тут, балх тут деб юритишади. Дунёда 24 хил тут нави ўсади. Ўзбекистонда асосан икки тури - оқ тут ва шотут ўстирилади. Маълумки, пилла қуртининг парваришида тут барглари асосий озуқа ҳисобланади. Шуниси қизиқки, тут барги нафақат пилла қурти, балки кишилар саломатлигига поёндоздир.

Шифо тариқасида тутнинг шохча пўстлоғи, барги, меваси қадрланади. Мевасида флавоноид - морин, дармондорилар - С, РР, В1, В2, каротин, лимон ва олма кислоталари сақлайди. Шу билан бирга, эфир мойи, ёғ кислоталари, темир тузлари, қанд, ошловчи моддалар жо бўлган.

Оқ тут барги таркибида каротин, аскорбин кислотаси, микро маъданлар, бўёқ моддалар сақлайди. Шу моддалар туфайли тут азалдан халқ табобатида қўлланилиб келинмоқда. Буюк табиб Абу Али ибн Сино нордон тут оғиз ва томоқ шишларини қайтаради, барги эса томоқ шишларига ва томоқ оғриғига фойдадир, қуритилгани ёмон яраларга шифо бўлади, деб ёзган. Алломанинг ёзишича, тутнинг ҳамма хилини ҳам таомдан илгари ейиш керак.

Агар тут барги ёмғир сувида қайнатилиб ишлатилса, сочни қорайтиради. Халқ табобатида оқ тут меваси киши ҳарорати кўтарилганида, ичак хасталикларида, қонни тозаловчи ва кўпайтирувчи, пешоб ҳайдовчи, юрак фаолиятини маромига келтиришда беназир неъмат сифатида қўлланилади.

Тут мевасида фосфор борлиги учун ёш болалар ва ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида жуда фойдалидир. Тут меваси болаларда учрайдиган рахит хасталигининг олдини олишда ажойиб малҳамдир. Ота-боболаримиз тут меваларини қуритиб, қишда ёнғоқ ва майиз билан тановвул қилдиришларида ҳам ажиб бир ҳикмат борлиги бежиз эмас, албатта.

Тут меваси қай йўсинда тайёрлаб қўлланилса, шифо бўлади ва яна қандай хасталикларда қўлланилади?

Бронхит, ўпка шамоллаши, зиққи нафас (бронхиал астма)да:

* 800 гр. қандга (ёки шакарга) 1 л. сув қуйиб, шакар эриб кетгунга қадар оловга қўйилади. Ва олдиндан тайёрлаб қўйилган тут мевасининг ширасини ва бир дона лимон ширасини аралаштирилади. Яна оловда қайнагунча 5 дақиқа пиширилади. Тайёр бўлган ширадан 1 ош қошиқдан кунига 5 маҳал ичилади. Бу шира малҳам балғам кўчириш хусусиятига эга.

◘ 1 кило янги ёки 0,5 кило қуритилган тут меваси олинади. Устига 0,5 л. сув қўшиб паст оловда 30 дақиқа мобайнида пиширилади. Қайнатмани алоҳида бошқа идишга қўйилади. Мевага яна янги сув қуйилади ва 30 дақиқа қайнатилади. Сувни тўкиб, мева массасини олдинги - биринчи қайнатмага аралаштирилади. Қуюқ ҳолига келгунча 300 гр. асл асал қўшилади. Оловда қайнагунча аралаштириб турилади. Сўнгра совутилади, 1 чой қошиқчада кунига 2 марта овқатдан кейин ичилади.

Камқонликда, бод, қанд хасталигида:

◘ Тут меваси майдалаб эзилади. 2 ош қошиқ мева 200 мл. гр. қайноқ сувга аралаштирилади. Термосда 4 соат дамланади. Сузилади, 50 гр.дан 4 марта таомдан олдин ичилади.

◘ Янги терилган тут меваси ёғоч қошиқ билан майдаланади, яъни эзиб шираси олинади. Ширага қайноқ сув аралаштириб, ярим стакандан кунига 3 марта ичилади.

Миокардиодистрофия, юрак порогида:

◘ Яхши пишиб етилган тут мевасини ҳар куни 250-350 гр.дан 4 марта истеъмол қилиш даркор. 3-4 ҳафтадан кейин бемор аҳволи яхшиланади, оғриқ пасаяди, енгил нафас олади.

Ич кетар, дизентерия, энтероколитда:

◘ Майдаланган тут мевасидан 2 ош қошиқ олинади ва 200 мл. гр. қайноқ сувга солиб 4 соат дамланади. Сузилади. 1/4 стакандан 3 марта таомдан олдин ичилади.

◘ Ич кетарда тут мевасининг хом-пишмаган ҳолидаги дамламаси шифо бўлади.

Ҳар куни 200 гр. янги тут меваси истеъмол қилиш керак.



Қандли диабетда:

◘ Ҳар куни 300 гр. янги ёки қуритилган нордон тут мевасини ейиш керак. Ширин тут меваси ейилса, беморнинг қонидаги қанд миқдори ошиб кетади. Эҳтиёт бўлиш тавсия этилади.

◘ Таомга тут барги (майдаланган, қуруқ ҳолдагиси) кукуни қўшиб ейиш керак.

◘ Тут барги (қуритилгани)дан 1 ош қошиқ олиниб, 1 стакан қайноқ сувга солинади, 30 дақиқа дамланади. Сузилади. Ярим стакандан 4 марта таомдан олдин ичилади.

Пародантоз, стоматит:

◘ Тут мевасининг ширази сув билан аралаштирилади. Сўнгра шу аралашма билан оғиз бўшлиғи чайилади.

Яра, тилинган (кесилган), тери куйганда:

◘ Тут дарахти пўстлоғи майдаланади. Кукун ҳолида зайтун мойига 1:30 нисбатда аралаштирилади. Оғриқ жойга суртилади.

◘ Зарарланган, яъни шикаст, лат еган жойга тут меваси ширази суртилади.

Энди икки оғиз шотут ҳақида.

Шотут ҳам саломатликка жуда фойдали. Маълумки, меваси қора, сершира, июнда пишади. Мева таркибида органик кислоталар, пектин, бўёқ ва бошқа моддалар мавжуд.

Меваси ва мева ширази оғиз оғриганда, томоқ шишганда, дизентерияда яхши даво бўлади. Барги ангинада, қуритилмаган баргидан олинган шира эса тиш оғриганда фойда қилади.

Шотут меваси чилонжийда мевасиси билан бирга дифтерия ва скарлатина хасталикларини даволашда яхши омилдир. Шотут меваси иситмани туширади. Ташналикни босади. Оғиз оғриб, яраланганда шотут меваси қайнатмаси билан чайилади.

Шотут меваси қон босими юқори бўлганда, эпилепсияда, баъзи руҳий хасталикларни даволашда фойда қилади. Шуни ёдда тутиш керакки, янги терилган тут меваси истеъмол қилингандан кейин совуқ сув ичиш ман этилади. Сабаби, қорин дам бўлади, аҳён-аҳёнда ич кетарга олиб келади.

Оқ тут мевасини қон босими юқори - гипертония хасталигига чалинган беморлар меъёрида ейишлари керак. Акс ҳолда, айниқса, иссиқ ҳаво ҳароратида қон босими ошиши мумкин.

ЧАЁНЎТ ХОСИЯТИ

Бу ўсимлик чаёнўт, чақонғич, газанда ўти, сўзанак, қичитқи ўт каби номлар билан юритилади. Унинг илмий номи лотинча "урере" сўзидан, яъни "чақади" маъносидан келиб чиққан. У кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, бўйи 60-120 см.га етадиган ўсимлик. Гуллари майда, яшил рангли, меваси тухумсимон, сариқ тусли ёнғоқча.

Ўсимлик тукчалар билан қопланган. Бу тукчалар танага текканда ўсимлик таркибидаги чумоли кислота суюқлиги ажралиб, танани чақиб олади, ачиштиради, терини қичитади. У май, сентябр ойларида гуллайди ва меваси пишиб етилади.

Ўсимлик гуллаганда барглари қўлқоп билан йиғиб олинади, сўнг сояда (кунгай жойда эмас) сўлитилади. Гиёҳ сўлиганда тукларининг чақонғич ҳусусияти йўқолади. Табобатда кўпинча барги ишлатилади.

Буюк аломма Абу Али ибн Сино "Сирка билан қўшиб боғланса, йирингли шишларни ёради ва уларга фойда беради", деб ёзган. Уруғи ва кули саратон (рак) касаллигига наф беради. Кулини туз билан қўшиб қўйилса, ит тишлашдан пайдо бўлган яраларга даво бўлади. Янчилган барги бурун қонашини тўхтатади. Бунда зубтурум - баргизуб барги билан омухта қилиб, шираси бурунга томизилса яхши наф келтиради.

Шу ўринда бир ҳаётий мисол келтирамиз. Т. исмли кишининг ёши 65да. 60 йил умри давомида доимий равишда бурнидан қон келиб турган, яъни қон оқишга мубтало бўлган эди. Болалик чоғидан юзини юватуриб, бурнига сал тегиб кетса борми, қон оқар эди. Бурунни қуйдириш муолажаси, кўпгина дори воситалари ҳеч наф келтирмади. Пировардида бу кимса чаёнўт ва зубтурум ўсимликлари янгисининг ширасидан шифо топди. Ширасидан пахтага шимдириб, бурун катакларига қўйган. Бу муолажа бир неча марта такрорланган.

Ишонгингиз келмайди, оддий бир гиёҳ ёрдамида 60 йил азобда юрган бемор дарддан фориғ бўлди. Мабодо янги ўсимлик бўлмаса, қуруқ гиёҳлардан тайёрланган дамламани қўллаш мумкин. Мана, беш йилдирки, у кимса дард нималигини билмайди.

Чаёнўт дамламаси, қайнатмаси, ширази меъда (ошқозон), жигар, сил, кўкйўтал, бод, ниқриз, турли қон оқишлар, буйрактош хасталикларида ишлатилган. Халқ табобатида гиёҳ пешоб ҳайдовчи, қон тозаловчи, шамоллашга қарши, яраларни битирувчи омил сифатида қўлланилади. Нонга гиёҳнинг барг кўкини қўшиб истеъмол қилинса, ичбуруққа даво бўлади. Бавосил, кўкрак оғриғи, нафас қисиши ва балғам кўчирувчи, ҳароратни туширувчи восита сифатида тавсия этилган.

Тиббиётда чаёнўт бактерияларга қирон келтирувчи, томирларни торайтирувчи, ёғлар алмашинувини маромига келтирувчи, темир моддаси, тузларнинг қон ишлаб чиқариш жараёнига яхши наф келтирувчи омил сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, чаёнўт ҳид билиш аъзоси фаолияти сусайганда фойда қилади. Сурункали қабзиятда, гиповитаминоз, яллиғланишнинг олдини олувчи, оналар сутини кўпайтирувчи, паришонхотирлик сингари хасталикларни даволашда малҳам бўлади.

Қуруқ себореяда чаёнўт ва отқулоқ дамламаси сочга суртилса яхши самара беради.

Чаёнўт уруғлари ва илдизлари қайнатмаси ичкетарда тавсия этилади. Ўсимлик барглардан бир ош қошиқ олиб, устидан 200 грамм қайноқ сув қуйилади ва 30 дақиқа дамланади. Тайёр бўлган дамламадан қон кетишини тўхтатишда бир ош қошиқдан кунига уч маҳал ичилади. Соч тўкилганда бу дамламадан бош терисига суриб, ҳар икки ҳафтада қайтариб турилади ва узоқ муддат давом эттирилади. Шуниси диққатга сазоворки, чаёнўт камқонликда ҳам қўлланилади. У гемоглобин миқдорини ошириш хусусиятига эга. Қон таркибидаги эритроцитлар миқдорини кўтаради.

Чаёнўт барги дамламаси қондаги қанд салмоғини пасайтиради. Айни пайтда чаёнўт баравж ўсмоқда. Ёш баргларидан таомда кўкат сифатида фойдаланса саломатликка ажойиб эм бўлади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

ОДАМ ШАКЛИДАГИ ГИЁҲ

Шарқона табобатда меҳригиёҳ (женьшень) умрни узайтиради, дея таъкидланган.

Меҳригиёҳ мия фаолиятини яхшилаб, жинсий ожизлик ва марказий асаб тизимини даволаб, тананинг кучқувватни оширади.

Шамоллашнинг олдини олиб, яраларни тез битиради. Хотира сусайиши ва камқонликни ҳам шу ўт билан даволашади.

Шифокорлар ўтказган тажрибалар шуни кўрсатадики, танасидан саратон тўқималари операция йўли билан олиб ташланган беморлар меҳригиёҳни узоқ вақтгача истеъмол қилишса, бутунлай соғайиб кетишар экан.

* Меҳригиёҳдан тайёрланган шифобахш аралашмани дорихоналардан топиш ёки уйда тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун 50 грамм майдаланган меҳригиёҳ илдизи устига 0,5 литр арақ қуйилади. У 20 кун қоронғида сақланади. Бундай аралашма жисмоний ва ақлий толиқишдан халос этиб, танадаги касаллик асоратларини йўқ қилади. Ҳар куни бир маҳал овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан ичиш тавсия этилади. Даволаш муддати 10 кун танаффус қилинган ҳолда 3 ой.

* Асал билан меҳригиёҳ аралаштирилганда тана саломатлигини мустаҳкамлайдиган ажойиб аралашма ҳосил бўлади. Бу қуйидагича тайёрланади. 50-60 грамм меҳригиёҳ илдизи устига бир литрли банкада асал қўшилади. Бир ҳафта турганидан кейин ҳар куни бир чой қошиқдан ичилади.

БАСИРА тайёрлади.

Кайда ўзи ўша бахт?

Акамнинг ҳаёти мени жуда ўйлантиради. Чунки унинг бекам бахтига бевақт ўлим чангал солди. Учта ширин қизалоғи онасидан жудо бўлди. Акамнинг **ёши 40да.** Ҳамма шароити етарли, келишган эркак. Биз унинг қалб ярасига малҳам, қизларига меҳрибон она бўла оладиган аёл қидираяпмиз. Фақат тошкентлик, фарзанди йўқ, чиройли аёл бўлиши шарт.

Манзил тахририятда.
НАФИСА, Тошкент.

Фарзандсизлик туфайли ажрашганман. **Ёшим 36да,** олий маълумотли аёлман. Оқишдан келган, ўрта бўйли, нозикроқман. Вилоятданману, пойтахтдаги олийгоҳлардан бирида ишлайман. Менинг ҳам тақдиримга жуфтлашиб яшаш ёзилганмикан? 45 ёшгача бўлган, олий маълумотли, Тошкентда яшаётган вилоятлик, фарзанди бор эркак бўлса танишардим.

Манзилим тахририятда.
ГУЛҲАЁ, Тошкент.

Ҳоламнинг қизи шифокор. **Ёши 25да.** Ниҳоятда жозибали, тарбияли аёл. Бундан уч йил олдин тақдирнинг зарбасига учраб, турмуши бузилган. Беш ёшли ўғилчаси бор. Биз унинг умри ёлғизликда ўтаётганига ачинамиз. Агар муносиб йигит бўлса, оила қуриб, бахтли бўлиб кетишини истардик.

Манзили тахририятда.
СОҲИБА, Тошкент.

Жиянимнинг тақдири мени жуда ўйга солади. У назокатли, ўта дидли қиз. **Ёши 28 да.** Ҳунарли, пазанда, муомалали бўлганлиги учун маҳаллада, ишхонасида барчага манзур. Аммо йигитлар билан танишишга жуда тортинчоқлиги сабабми ҳалигача тенги чиқмаяпти. Олий маълумотли, баланд бўйли, ажрашган бўлсада, фарзанди йўқ, тўй қилиб оладиган йигит бўлса таништириш ниятида манзилни тахририятга бердим.

ЛАЙЛО, Тошкент.

Опамнинг ёши 37 да. Эри хиёнат қилиб, бошқа аёл билан кетди. Беш йилдирки, опам фарзандини ёлғиз боқади. Олий маълумотли, иши тайин. Биз ҳам унга ёрдам бериб турамиз. Аммо боласига оталик қиладиган, опамни эъзозлайдиган инсон билан оила қурганига нима етсин.

Манзили тахририятда.
ДИЛАФРЎЗ, Тошкент.

Опамнинг қизи **23 ёшда.** Ниҳоятда дидли, олий маълумотли, сариштa қиз. «Машҳура»да ҳам ўқиб чиқди. Нозиккина, оппоқдан келган жиянимни кўрганлар 18 ёш беришади. Лекин биз унинг айни келин бўлиш ёшидан ўтиб кетишидан хавотирдамиз. Олий маълумотли, уйи, иши бор, фақат пойтахтда яшайдиган водийлик ёки тошкентлик, 30 ёшгача бўлган, ажрашган бўлсада, фарзанди йўқ, тўй қиладиган йигит бўлса манзилни тахририятдан олсин.

Холаси ҲУРЛИҚО, Тошкент.

22 ёшимда эримнинг хиёнати туфайли ажрашганман. **Ҳозир 35 га кирдим.** Иккита ўғлим ўспирин ёшда. Моддий аҳволим яхши, кўринишимдан нолийдиган жойим йўқ. Лекин охирги вақтда ёлғизлик қалбимни эзмоқда. Ўзим каби замонавий, келишган, иши тайин инсон бўлса танишиш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.
ГЎЗАЛ, Тошкент.

Падаримнинг элда обрўси баландлигидан биз фарзандларини ўқитиб, уйлаганларидан мамнунмиз. Аммо ёлғизлигидан, хунобмиз. **Ёши 60 дан ошган** бўлса-да, жуда бақувват ва соғлом, яшаш шароитидан қаноатқаман. Мен излаган инсон шифокор ва иложи бўлса ҳижобли бўлса эди.

Манзилим тахририятда.
ИБРОҲИМ, Тошкент.

Бахтини излаётган азиз мухлислар! Газетамизнинг "Оила" бўлими сизларни фақат таништириб қўйиш учун холис хизмат қилишини, ўзаро муносабатингиз, кейинги ҳаётингиз учун жавобгар эмаслигини таъкидлаймиз. Танишган инсонингизни қайта-қайта синаб-суриштиринг. Ҳеч қанақа моддий олди-бердиларни аралаштирмай мулоқот қилиб, синовдан ўтгазинг. "Оила" бўлимига мурожаат қилувчиларга қуйидаги талабларимизни эслатиб ўтамиз:

1. Паспорт нусхаси.
2. Ажрашганлиги ёки турмуш ўртоғининг вафот этганлиги ҳақида далолатнома нусхаси.
3. Сурат.
4. Таржимаи ҳол.

Мана шу сўралганлар етарли бўлгандагина сизга тахририят томонидан хизмат кўрсатилади. Шунингдек, вилоятлардан хат орқали мурожаат қилаётган инсонлар ҳам биз юқорида сўраган ҳужжатларни жўнатиб, хатга манзилни аниқ кўрсатишни ҳоҳламасалар-да, почта рақамларини билдириб, "Талаб қилиб олгунча" дея мурожаат қилишларини сўраймиз. Биз сизнинг почта манзилингизни газетада тўлиқ чоп этамиз. Ана шунда сизга хат йўллаганлар билан танишиш имконияти кенгроқ бўлади.

«Оила» бўлимининг ТЕЛЕФОНИ: 134-25-46

Ёлғизман. Табибман. Агар бирор меҳрли одам топилса, барча уй ва рўзғорларимни қонун билан номига ўтказиб бераман. ТЕЛ: 64-88-33. (16^{00} дан сўнг)

Ёшим 23 да. Турмушга чиқмаганман. Оқишдан келган, ўрта бўйли қизман. Ўзимга мос йигит бўлса, турмушга чиқаман. Фақат ўқимишли, иши тайин, ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ инсон бўлса, манзилимни тахририятдан олсин.

ГУЛНОРА, Тошкент.

Ёшим 66 да. Аёлим қазо қилган. Фарзандларимдан тинганман. Яхши жойларда ишлаганману ҳозир нафақадаман. Ёлғиз яшаётган аёл бўлса жуфтлашиб яшашни таклиф қилмоқчи эдим.

Манзилим тахририятда.
ШУКРУЛЛО, Тошкент.

Дугонамнинг **ёши 32да.** Назокатли, ориятли қиз. Болалигида қаттиқ йиқилгани сабаб, бироз тутилиб гапиради. Шу боис ҳам турмушга чиқмаган. Унинг бу камчилигини юзига солмайдиган 40 ёшлар атрофидаги эркак бўлса таништирардим.

Манзили тахририятда.
НУРИЖАҲОН, Тошкент.

Ёшим 40 да. Оилавий шароит туфайли вақтида турмушга чиқолмадим. Пастроқдан келган, нозикроқ бўлганим учун ёшимни анча кичик беришади. Яхши касбим, тайинли ишим бор. Агар иши тайинли, уй-жойи бор, 45 ёшгача бўлган эркак бўлса турмуш қуриш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.
НАРГИЗА, Тошкент.

Пул топиш мақсадида Россияда юрибман. **Ёшим 54 да.** Бўйим 170см, оғирлигим 58 кг. Маълумотим олий. 10 йилдан ошибдики ёлғизман. Менга қалби пок, озода, очиқ чеҳрали, оилани муқаддас биладиган аёл керак. Ишлаши ҳам шарт эмас.

Манзилим: Россия, Санкт-Петербург, Манчестерская кўчаси, 2 уй, 146-хона. Тел: 8-812-554-17-82; 8-812-906-254-32-61.

Мурод АБДУСАЛИМОВ

38 ёшлардаги, оппоққина, нозик аёл билан бир хонада ишлаймиз. Унинг ширин таомлар пиширишига ҳавасим келади. Ширингина ўғли ҳам бор, 6 ёш. Биринчи турмушидан ажрашиб кетган бу ҳокисор аёлнинг бахтли бўлишини истардим. Унинг моддий камчилиги йўқ. Фақат кўзмунчоқдек ўғли ота меҳрига зор холос. Тайинли, меҳрибон, 48 ёшгача бўлган эркак бўлса овоз берсин.

Манзилим тахририятда.
Мадина, ТОШКЕНТ.

Ёшим 42 да. Иккита қизим билан яшайман. Пойтахтда ижарада тураман. Олийгоҳда дарс бераман. Турмуш аравасини ёлғиз тортишдан чарчадим. Кўнглимни тўлдирадиган, моддий имконияти етарли, тушунган инсон бўлса, никоҳига ўтардим.

Манзилим тахририятда.
САЙЁРА, Тошкент.

Падаримнинг элда обрўси баландлигидан биз фарзандларини ўқитиб, уйлаганларидан мамнунмиз. Аммо ёлғизлигидан, хунобмиз. **Ёши 60 дан ошган** бўлса-да, жуда бақувват ва соғлом, яшаш шароитидан қаноатқаман. Мен излаган инсон шифокор ва иложи бўлса ҳижобли бўлса эди.

Манзилим тахририятда.
ИБРОҲИМ, Тошкент.

Дугонам 30 ёшда. У жиззахлик, Тошкентда ишлайди. Олий маълумотли, бўйчан, дуркунгина, оппоқ қиз. Ҳалигача тенги топилмаяпти шекилли турмушга чиқмади. Мен унинг вақти ўтиб кетмасин деб газетага мурожаат қилдим. Ёши 35 гача бўлган, олий маълумотли, ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ, тушунган эркак бўлса таништирардим.

Манзили тахририятда.
ШОИРА, Тошкент.

Ёшим 63 да. Ҳовлида ёлғизман. Фарзандларим уйли-жойли. Нафақа оламан. 50 ёшлар атрофидаги фарзандсиз аёл бўлса, бирга яшаш ниятим бор.

Манзилим тахририятда.
БАҲТИЁР, Тошкент.

Аммамнинг бизга меҳрибончилигидан яхшиликларидан баҳраманд бўлибмиз, аммо унинг бу дунёдан ёлғиз ўтаётгани хаёлимизга ҳам келмабди. Кеча туғилган куни бўлганида **50 га яқинлашган** бўлса-да, ҳали турмуш кўрмаганига жуда ачиндим. Олий маълумотли, келишган қоматли, муомалали, меҳрибон аммажонимнинг турмуш қуришини жуда-жуда хоҳлардим. Олий маълумотли, 55 ёшгача бўлган, тўла бўлмаган, дидли, иши, уйи тайин инсон бўлса таништирмоқчиман.

Манзилим тахририятда.
ҲУЛКАР, Тошкент.

Тутинган опамни фарзанддан қисгани етмаганидек, жуфтидан ҳам жудо бўлган. **Ёши 56 да.** Ниҳоятда дидли, озода бу аёл ҳеч бўлмаса қариганда бир суянчиқ билан яшаса дегандим. Фақат фарзандларидан қутилган, семиз бўлмаган, 60 ёшлардаги эркак бўлса.

Манзилим тахририятда.
ҲАНИФА, Тошкент.

Тақдир экан, шу пайтгача турмушга чиқмадим. **Ёшим 45 га кирибди.** 55 ёшгача бўлган, узун бўйли, маънавиятли, пойтахтда яшайдиган, ёлғиз эркак бўлса балки жуфтлашиб яшаш насиб этар, деган орзуларим бор. Фақат очиқ кўнгилли, соф ниятли инсон бўлсин.

Манзилим тахририятда.
ДИЛОРОМХОН, Бухоро.

Қайнсинглимнинг тақдирига хафа бўлиб кетаман. Шундай бир ҳокисор, олий маълумотли, истарали, ориятли аёлнинг наҳотки бахти кулмаса. **42 ёшга** кирса-да, фарзандсиз, жуфтсиз яшаяпти. Бундан 10-15 йиллар олдин турмуши бузилган эди. Шу пайтгача уятчанлигидан эрга тегмади. 50 ёшгача бўлган, фарзанд кўришни хоҳлайдиган эркак бўлса, манзилини тахририятга берсин.

МАЛИКА, Тошкент.

Ёшим 30 да. Озғиндан келган, бўйчан йигитман. Вилоятликману пойтахтда ишлайман. Ажрашганман, 1 та қизим хотиним билан кетган. Ўқимишли, дидли, нозикроқ, ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ аёл билан танишмоқчиман.

Манзилим тахририятда.
РУСТАМ, Тошкент.

Масъул лавозимларда ишладим. Ҳовли-жой қилдим, болачақа орттирдим. Аммо аёлимнинг беорлиги, беномуслиги сабаб ажрашганман. Онам билан ҳовлида яшайман. **Ёшим 53 да.** Соғлигим туфайли нафақага чиқиб, тадбиркорлик қиламан. Топганим рўзғорга етади. 40 ёшлар атрофидаги фарзанди йўқ ёки 1 та қизчаси бор, озғин аёл бўлса, турмуш қурсам, топганимни саранжомлаб уйда ўтирса дегандим.

Манзилим тахририятда.
БОТИР, Тошкент.

Адамизнинг **ёши 70 га** бориб қолди. Онамиз ўтиб кетганлиги сабаб адамизнинг ёлғизлигидан ҳавотирдамиз. Шовқинни ёқтирмагани боис Тошкентнинг чеккасида ҳайҳотдек ҳовлида яшайди. Бақувват, соғлом инсон. Агар падаримизга ҳамроҳ бўла оладиган, оқибатли аёл бўлса қўша-қариб яшашини хоҳлардик. Битта фарзанди бўлса ҳам розимиз.

Манзилим тахририятда.
РАЪНО, Тошкент.

Ёшим 65 да. Аёлимнинг дунёдан ўтганига икки йил бўлди. Болаларим қанча эъзозлашса-да, кўнглим бўм-бўш. Ҳолингни сўрагувчи, дилдан суҳбатлашиб ўтиргувчи, очиқ кўнгилли, фарзандсиз аёл бўлса, ҳаётим тўкис бўларди.

Манзилим тахририятда.
САИД, Тошкент.

Ёшим 40 да. Ҳали турмушга чиқмаганман. Ҳаётнинг аччиқ-чучуклари билан ёлғиз курашиб келмоқдаман. Шундай дамларда ёнимда елкадош, суянчиғим йўқлигидан афсусланиб кетаман. Қани энди мени бахтли қила оладиган, оғир пайтларимда менга далда берадиган бир ёр бўлса?..

Манзилим тахририятда.
РОҲАТОЙ, Тошкент.

Саҳифани Матлуба ШУКУРОВА тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13188
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 6